61. Рус театри тарихи
62. М Горкий драматургияси
63. Қадимий урф одатлари
64. Сарой театри
65. Рус класстизми: А.П. Сумарков Ф.Г. Волков
66. XVII – XVIII аср халқ театри ва профессионал театрлар
67. XIX – асрнинг бошларида рус театри
68. Пушкин ва театр
69. Театр эстетикаси саволига жавобни Пушкин ўйлаб топган
70. М.Ю. Лермонтов ижоди
71. Ўзбек театри
72. Ўзбек театри санъатини илк даври
73. Темурийлар даврида миллий санъатнинг ривожланиши
74. Ҳ. Ҳ. Ниёзий ва ўзбек театри
75. XX асрнинг 60- 80 йилларида ўзбек театри

76. И. Каримов 2001 йил 30 августда Тошкент шаҳрида сўзлаган нутқи
77. Ўзбек миллий маънавий томошалари
78. Туркистонда рус театр фаолияти
79. Овropa усулидаги театрлар
80. Тошкентда “Турон” труппасининг очилиши.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

«Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» кафедраси
«Ижтимоий-маданий фаолият» йўналиши талабалари учун

ТЕАТР ТАРИХИ

ФАНИДАН

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

НАМАНГАН 2007

Тузувчи: **К.Дадахўжаев**

Такризчи: **Б.Бўронов**

Маърузалар матни Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари кафедрасининг 2007 йил _____№__ баённомаси йиғилишида ммуҳокама қилиниб тасдиқланди ва қўпайтиришга тавсия этилди.

3-4 курслар учун

Маъруза 44 соат

Кириш

Инсониятнинг рнаданий тараққиёти тарихини антик театрсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Маълумки, антик театр мазмунан халқ ҳаёти, унинг тақдири билан боғлиқ улуғвор ғоялар театри сифатида дунёга келган эди. Қадимги Юнонистонда эсхил, Софокл Еврипид, Аристофан, Римда Плавт ва Сенекалар янги сахнавий шакллар, умумлашган фалсафий, теран бадиий образлар орқали эл-юртни жўшқин севиш, кадрлаш этикодларини тараннум этдилар. Антик дунёдан бизга бадиий ижоднинг трагедия, комеия жанрларига оид бениҳоя гўзал, бадиий юксак адабий намуналар етиб келди.

XV асрдан бошланган Уйғониш даврида Италия заминида антик бадиий ижод анъаналари қайта ўзлаштирилиб, янги давр театрига асос солинади. Уйғониш палласининг илк трагедиялари, комедиялари, драма санъатига оид назарий рисоалар шу заминда дунёга келди. Бироз кейин Испания тсатри ва ниҳоят, Англия заминида Шекспир ижоди мисолида Оврўпо театри ўзининг юқори тараққиёт босқичига кўтарилади. XVIII аср француз классицизми театри ҳам Уйғониш даври театри ривожининг давоми бўлиб, Оврўпо бадиий вжодиётида янги санъат ҳодисасига айланди. Аини шу даврда француз олий комедиясигнинг асосчиси Молер ижод қилган эди.

XVIII асрда театр халқ маданий ҳаётининг ажралмас қисмига айианади: Англияда Шеридан, Францияда, Олтер, Дидро Бомарше, Италияда К. Голдони, К. Гоцци, Германияда Лессинг, Гёте. Шиллер маърифатпарварлик драматургияси ва эстетик тамойилларининг намунавий асарларини яралиб, театр санъатини умумхалқ минбарига айлантириш ғоясини амалда рўёбга чиқаришга интилдилар. Оврўпо мамлакатлари ва АҚШ театр санъати XIX асрда ўз тараққиётининг янги сифат босқичига кўтарилади. Театр бу даврда дастлаб Гюго (Франция, Байрори (Англия). Клейст Германия) ижоди мисолида романтизм сўнг натурализм символизми услублари заминида воқеликни акс эттиришнинг янги ва ранго-ранг ифода омиллари ва усулларини ўзлаштириб боради. М. Метерлинк, Г. Ибсен. Б. Шоу. Г. Гауптман каби йирик драматурглар қатори актёрлик ва режиссорлик санати соҳасида ҳам улкан санъаткорларнинг етишиб чиқиши драматургия даражасига монанд юксак сахна ижоди намуналарини яратиш имконини туғдирди.

Вактлар ўтиб бизнинг кунлар яқинлашган сари холрижий драматургия ва театрнинг миллий мавзу доирасидаги чекланганлик жиҳатлари сусая боради. Бутун олам театр спектаклининг ҳаракат майдонига, бу оламда яшовчи одамлар тақдирининг бир-бирига боғлиқлигини англаш тамойиллари ижодиётнинг бош мафкуравий мезонига

айланиб боради. Ғарбий Оврўпо ва АҚШ драматурглари, сахна ижодкорлари давр ижтимоий қарама-қаршиликларини айнан шу нуқтаи назардан таҳлил этиб келмоқдалар.

XX аср ўзбек театри маданиятимиз тарихида рўй берган ноёб ҳодисадир. 1914-йили Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Падаркуш» пьесаси билан ўз пардасини очган ўзбек театри икки-уч ўн йиллик ичида ҳар бир халқ ғурурланса арзигулик театр сифатида майдонга чиқди.

Ўзбек театри жаҳидчилик ҳаракатининг меваси — маърифий театр сифатида туғилган эди.

Биринчи ўзбек ижодий жамоаси бўлмиш «Турон» группасининг «Низом»ида театрнинг бош мақсади а) аҳоли ўртасида сахна ишлари ва ҳайрияга жиддий муносабатни ривожлантириш, б) халқ учун спектакл кўрсатиш, унга соғлом томоша бериш...» деб ўқтирилган эди. Сахна ишини ташкил этган ва уни халқ орасида кенг ёйган Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий сингари атоқли маърифатпарварнинг саъй-ҳаракати билан бу театр тез орада халқ маданий ҳаётининг таркибий қисмига айланди. Саноқли бир неча йил давомида ўттизга яқин пьеса яратилди, актёрлик ва режиссорлик санъатининг туб тамойилларига асос солинди.

Жаҳид театри ва драматургиясининг муҳим хусусияти — унинг оила ҳаётини тасвирлаш билан инсон қалбига кириб бориш, уни маърифий тарбиялаш ва шу орқали жамият ҳаётида авж олиб бораётган миллий уйғониш ғояларини тараннум этишда кўринган эди.

Жаҳид маърифатпарварлари ёққан маърифат машъали қарийб 1930-йилларга қадар янги ғоя ва интилишлар билан театр ҳамда драматургияга кириб келган аҳли санъат йўлларини ёритиб турди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўзбек театри миллий маҳдудлик қобилигида ўралашиб қолмай, балки ўз тараққиёти йўлида жаҳон театри тажрибасини ўзлаштириб борди. «Турон» группасида бошланган ўзга халқлар драматургиясини сахналаштириш тажрибаси кейинроқ, ўзбек сахнасига Шиллер, Гогол, Шекспир сингари драматурглар асарларининг кириб келиши билан давом эттирилди. Ўзбек актёрларини 1924-1927-йиллари Боку театр техникуми ва М.Уйғур, Чўлпон раҳбарлигида Москва театр студиясида таҳсил кўрганликлари уларнинг касбий даражасини оширишда муҳим аҳамият касб этди. Москвадаги таълим даври рус театрида турлича услубий йўналишлар, изланишлар авж олган даврга тўғри келган эди. Ўзбек актёрлари бу шов-шувли театр ҳаётини астойдил кузатадилар, ўрганадилар. Лекин шуниси эътиборлики,

уларга тақлид қилиш, услубларини кўр-кўрона қабул қилиш йўлидан бормайдилар. Чўлпон «Меъерхолд театри» деган мақоласида, масалан, 1920-йилларда Москва театри ҳаётининг яловбардорига айланган бу режиссорнинг шон-шухрати ҳақида илҳом билан қалам тебратган бўлса-да, лекин бирон жойда унга эргашиш, ундан андоза олиш фикрини олға сурмайди. «Бу театрнинг соддалиги биз учун керак. Кўпчиликка яқин келиши биз учун лозим. Бизнинг халқ театри унсурларидан баъзилари бу театрда бор». Яъни улуғ шоир чет таъсирларга нисбатан сезгир, хушёр туришга даъват этиб, фақат ўзбек халқ театрига хос «баъзи унсурлар», «соддалик», «кўпчиликка яқинлик» жиҳатларини олиш мумкинлиги ғоясини олға сурган.

Бу ўзбек театрининг дастлабки даврданок ўз миллийлигини асраш йўлида катъий турганлигидан гувоҳлик беради. Бир жиҳатдан, бу ажабланарли эмас. Сабаби, тақдирларини театр ва драматургия билан боғлашга аҳд қилган кишилар эски мактаб, мадраса кўрган, мумтоз адабиёт, мусиқа, халқ театри таъсирида бу нафосат оламига чинакам миллий театр санъатини барпо этиш эзгу истаги билан кириб келган зотлар эди. Ўзбек театрининг асосчилари, хусусан, атоқли режиссор ва театр арбоби Маннон Уйғур ўз атрофига энг истеъдодли драматург ва санъаткорларни уюштириб, улар билан илҳомбахш изланишлар олиб борар экан, халқимизнинг бой маънавиятига муштарак келадиган замонавий театр барпо этиш йўлидан борган эди.

Ўзбек театрининг туғилганига ўн йил бўлмаёқ Абдурауф Фитратнинг «Чин севиш», «Абулфайзхон», Чўлпоннинг «Ёрқиной», Ҳамза Ҳакимзоданинг комедия ва драмаларининг яратилиши, энг қимматлиси, бу асарларни оврупача драма эстетикаси талаблари даражасида бўлиши шу изланишларнинг мантикий натижалари эди.

Мусиқали драмадек мураккаб синтетик санъат жанрининг пайдо бўлиши ҳам ўзбек халқининг бениҳоя бой бадиий меросга эгаллиги ва шу меросни замонавий театр тилига кўчира олувчи соҳиби талантилар борлиги билан боғлиқ эди. Дастлаб кичик мусиқали сахналар тарзида кўринган бу жанр Ғулом Зафарийнинг «Ҳалима», Хуршиднинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» асарларининг яратилиши билан ўзбек театрида алоҳида санъат йўналиши тарзида тараккий топди. Таъкидлаш лозимки, ўтмишда бу «фолклор жанр, ўткинчи, опера санъатига ўтишда кўприк воситаси холос» деган фикр-мулоҳазалар мусиқали драма йўлига қанчалик тўсиқ бўлмасин, у ривожланишда давом этаверди. Ҳам соф драма, ҳам мусиқали драма асарларини сахналаштиришга қаратилган «Мусиқали драма ва комедия театри» деб аталган вилоят театрлари драма борасида ҳозирги Миллий академик драма театридан, мусиқали драма соҳасида 1930-йилларда Республика мусиқа театри, кейин Муқимий номидаги мусиқа

театри тажрибаларига суянди ва ҳар бири санъатимиз хазинасига улуш бўлиб қўшилган бадиий-эстетик кадриятларни яратди.

Чет элликлар Шекспирнинг «Ҳамлет», «Отелло» каби асарларининг ўзбек актёрлари томонидан юқори даражада мужассам этилишидан ҳайратга тушиб сўз очар эканлар, бунинг асосий сабабларидан бири, бу спектаклларнинг билан бир бошқа театрлар постановкасига ўхшамаслиги, яъни уларда Шекспир тўғрисида муштарак тарзда ўзбекона дунёқараш ва бадиий кадриятларнинг ифода этилишида деб билиш мумкин. Кенг кўламда авж олган шундай ижодий жараёнлардан сўнг Абдор Ҳидоят, Шукор Бурҳонов, Олим Ҳўжайев. Сора Эшонтўраева каби ўнлаб юқори иқтидорли драма усталари ва Лутфихоним Саримсоқова, Раззоқ Ҳамройев, Маҳмуджон Ғофуров сингари кўплаб мусиқали драма усталарининг етишиб чиқиши ўзбек театрининг бошданок мустаҳкам заминга эврилиб, сўнг жаҳон театри тажрибаларини ижодий ўзлаштирган ҳолда жадал тараккий топишининг табиий маҳсули экани ўз-ўзидан аён бўлади.

Президентимиз Илом Каримов Ўзбек Давлат академик драма театрининг очилиши маросимида (2002-йилнинг 30-августидан) сўзлаган нутқида: Неча йиллар давомида ўзининг бекиёс санъати ва маҳорати, классик асарларнинг бетакдор ижроси билан бу театр нафақат миллий санъатимиз муҳлисларини, балки дунёдаги манадан деган театрларнинг машҳур режиссор ва актёрларини, уларнинг энг нозиктаб театршунос ва мутахассисларини ҳам ҳайратдан қолдиргани маълум», — дер экан, мутлақо ҳақ эди. Президентимизнинг бу нутқи ўзбек театри тарихини англаш ва унинг кейинги ривожидан катта аҳамиятга эгадир. «Бугун, Ватанимиз, юртимиз ХХІ асрга қадам қўйиб, ўзининг буюк келажиги сари интилаётган, бу йўлдаги барча ҳаракатларимиз имон-этикод туйғуси билан йўғрилиб, қучайиб бораётган бир пайтда, — деб уқтирди Президент, — ўз тарихий илдишларимизни, шу жумладан, санъатимиз, миллий театримиз тарихини чуқур англаш, ундан сабоқ олиш ҳақида гапиришимиз ҳар жиҳатдан ўринли бўлади, деб ўйлайман». Бу давлаткорона сўзлар театр ҳақидаги илм-фанни ривожлантиришда ҳам алоҳида қимматга эга.

Ўзбек театрининг ривожланиши давомида уни ўрганиш, тадқиқ этишга қаратилган алоҳида илм соҳаси — театр танқидчилиги ва театршунослик фани таркиб топди. М.Уйғур номидаги Санъат институтидан олий малакали театршунос кадрларнинг етишиб чиқиши билан, 1950-йиллардан эътиборан ўзбек театрининг ўтмиши ва замонавий жараёнини илмий ўрганишда янги давр бошланди. Ўзбек театрининг алоҳида даврлари, актёрлик, режиссорлик санъати муаммолари, актёр ва режиссорларнинг ижодий йўллари ҳақида ўнлаб монографиялар, китоблар чоп этилди.

Академик М. Раҳмоновнинг икки жилддан иборат «Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театри тарихи» (2001-й.), «Истиқлол ва миллий театр» (2001-й.) мақолалар тўплами, М. Қодировнинг «Томоша санъати ўтмишидан лавҳалар» (1993-й.), Ш. Ризайевнинг «Ҳадид драмаси» (1997-й.), Т. Ислорновнинг «Тарих ва сахна» (1998-й.), Т. Турсуновнинг «Ўзбек театри тарихи» (2002-й.) дастурий қўлланмаси театршунослик илмининг кейинги йиллар маҳсули ҳисобланади.

«Миллий театримиз тарихини чуқур англаш» ҳақида сўз бораётган экан, театршунослик фани олдида унинг айрим муаммолари бўйича илмий монографиялар катори дарслик ва ўқув қўлланмалари яратиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Таассуфки, ҳозирга қадар олий ўқув юртлари, лицей ва коллежлар талабалари учун мўлжалланган қўлланмалар яратилганича йўқ. Қўлингиздаги қўлланма шу йўналишдаги илк изланиш ҳисобланади.

1-мавзу: Антик театр

РЕЖА:

1. Қадимги Юнон театри тарихи
2. Қадимги Рим театри
3. Ўрта аср театр тарихи.

Қадимги Юнон театри тарихи. Қадимий Юнонистон давлатчилиқ шаклланиши, унинг театр санъати пайдо бўлишидаги ўрни, ҳукмрон доираларга хизмат қилиш, биринчи драматурглар томошалар трагедия ва комедия жанрларининг асосчилари, уларнинг асарлари ҳақида гапирилади. Жамиятда театрни ўрни алоҳида ўрин эгаллайди.

Оврўпо заминидagi энг қадимий театр маданиятини юнонлар ва римликлар яратганлар. Юнон театри эрамиздан авалги V асрда гуллаб-яшнади. Рим театри эсаж юнон театридан кейин пайдо бўлди ва унинг гуллаш даври эрамиздан авалги III асрнинг иккинчи ярми ва II асрга тўғри келди.

Санъат бобида бизга антик (қадимги) даврдан улкан мерос қолган. Антик олам меъморчилиги, ҳайкалтарошлиги, адабиёти ва санъати кейинги замонларда муттасил ўрганиш ва эргашиш манбайи бўлиб келди. Уйғониш даврида масалан, илк комедия ва трагедияларни яратишда антик давр муаллифларининг асарлари намуна бўлиб хизмат қилди. Кейинги даврларда ғарбий оврўполик драматурглар (Шекспир, Корнел, Шиллср, тжёте) антик давр театр мероси бойликларига фаол мурожаат қилиб келганлар. XX

асрда ижод қилган кўпгина драматурглар ҳам (Гауптман, Онил, Сартр, Ануй ва бошқалар) антик сужет ва образлардан баракали фойдаланганлар.

XIX—XX асрлар давомида Оврўпо сахналарида антик драмалар мунтазам равишда кўрсатилган ва кўрсатилмоқда.

Антик драматурглар асарлари собиқ шўро тегарлари репертуарида ҳам кенг ўрин тутиб келган: масалан, 1918-йили Петроградда Ю. Юрев томонидан ташкил этилган «Фожиалар театри» Софоклнинг «Шоҳ эдип» асари билан очилган, 1957-йили Ш. Рустаели номли грузин театрида, 1969-йили Ҳамза номли ўзбек академик театрида яратилган «Шоҳ эдип» спектакллари йирик бадиий воқеаларга айланди.

Илғор театр арбоблари антик драматургиянинг нимаси қизиқтиради? Нега қарийб 2500 йил аввал яратилган асарларга хануз мурожаат этиб келамиз?

- Тараққиётнинг бош омили шунда эдики, Афина демократияси зиддиятли ва нуқсонли бўлса-да, айнан шу демократик полисда салоҳиятларни эркин ривожлантириш имкони туғилди, зотан фуқароси ўз давлати доирасида ўзини жамиятнинг тенг ва тўла ҳуқуқли аъзоси деб биларди. У полис ҳаёти билан узвий боғлиқлигини доимо ҳис этар ва ўз ҳукуматининг жамики сиёсий-иқтисодий ишларида жон-дили билан иштирок этарди.

Замоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан боғлиқлик, инсонга, унинг маънавий етуқлигига диққат-эътибор, юнон эпоси ва лирикасининг энг яхши ютуқларидан фойдаланиш — буларнинг ҳаммаси Афина театрининг улуғвор ғоялар ва ажиб бадиий шакллар театри бўлишини белгилаб берди. Зўрлик ва зулмнинг ҳар қандай кўринишига қарши норозилик эл-юртни жўшқин севиш, фуқаролик ва инсонпарварлик эътиқодларини улуғлаш сингари ғоялар тараққийпарвар инсониятга унинг тарихида ҳамма замонларда ҳамроҳ ва тушунарли бўлиб келган. Шу боисдан ҳам антик драма қаҳрамонларининг курашлари, ғам-андуҳлари ҳозирги томошабинларни ҳам ҳаяжонга солиб келади.

Ҳосилдорлик маъуди Дионис шаънига аталмиш маросим ўйин ва қўшиқлардан қадимги юнон драмасида трагедия (фожа), комедия ва сатиралар драмасидан иборат уч жанр таркиб топган. Трагедияда Дионис маросимларининг изтиробли, нохушлик жиҳатлари акс этирилган бўлса комедияда кулгили, мазахомуз жиҳатлари ифодаланган. Сатирлар драмаси ўрта жанр ҳисобланган.

Юнон трагедиясининг келиб чиқиши трагедия ва комедия сўзлари орқали ҳам ойдинлашади. Трагедия сўзи икки юнон сўздан таркиб топган: *tragos* – «эчки» ва *ode* – «қўшиқ», яъни «эчки қўшиғи» демакдир. Бу тушунча яна бир бор Диониснинг йўлдош ва ҳамроҳлари — сатирлар эчки туёқли махлуқлар тахлитида тасаввур этилганлигини

кўрсатади. Комедия сўзи комос ва ode сўзларидан чиққан. «Комос» — бу Дионис шаънига аталган қишлоқ байрамларида масхарабоз ва қизиқчиларнинг ширакайф бўлиб, бир-биридан кулиб, қўшиқлар айтиб намойиш қилиб юришларини англатган. Демак, комедия сўзи «комос қўшиғи» деган маънони англатади.

Юнон трагедия, одатга кўра, ҳар бир юнонга яхши таниш бўлган мифология сюжётларига асосланган. Шу боис томошабинни воқеанинг ўзи эмас, балки муаллифнинг маълум ривоятни қандай талқин этганлиги, қандай ижтимоий ва ахлоқий муаммоларни олға сурганлиги қизиқтирган. Драматург ривоят баҳонасида замонавий сиёсий ҳаёт масалаларини олға суриши ва ўзининг ахлоқий, фалсафий ва диний қарашларини яратиши лозим эди.

Эрамиздан авалги V асрда юзага келган аттика комедияси ўз моҳиятига кўра сиёсий комедия бўлган. Унда ҳамма вақт сиёсий тузум ва Афина давлатининг ташқи сиёсати, ёшларни тарбиялаш, адабий кураш каби масалалар олға суриб келинган.

Қадимги аттика комедиясининг долзарблиги унда айрим фуқароларнинг асл номларини кўрсатиб, уларни масхаралаш мумкинлигида эди. Бунга Аристофан асарларида шоирлардан Эсхил, Софокл, Еврипид, Агафон, Афма демократиясининг дохийси Клеон, файласуф Сократ (Сукрот) кабиларнинг нимлари кўрсатилганлиги мисол бўла олади. Шу билан бирга, қадимги аттика комедиясида алоҳида-алоҳида ўзига хос образлар эмас, балки халқ масхарабозлик театри образларига ҳамоҳанг тарзда умумлашган образлар яратилган.

Қадимги юнон театр санъатининг энг жўшқин, шукуҳли даврини эрамиздан авалги V асрда яшаб ўтган Эсхил, Софокл, Еврипиддан иборат уч улуғ фожианавис ва фаолияти э. ав. IV аср билан ҳам тутшиб кетувчи комедиянавис Аристофан белгилаб берганлар.

Классик давр (эрадан аввал V-VI асрлар) ва эллинизм даври (эрамиздан аввал IV-III асрлар) Юнон театри. Қадимги Юнонистонда театрни туғилиши, трагедия, комедия жанрини ривожланиши билан боғлиқ.

Эсхил (эрадан аввал 525-456 йиллар) ва трагедия жанри, унинг асарларининг умуминсоний моҳияти уларда умумлашган, фалсафий куламдор образлар («Занжирбанд Прометей»)ни яратилиши.

Аристофан (эрамиздан аввал 446-385й) комедия жанрининг асосчиси, асарларининг ўзига хослиги: ижтимоий-танқидий ўткирлиги, комедиявийлиги. Аристотель (эрамиздан аввал 384-322) буюк комусчи, «Поэтика» рисоласибилан антик давр эстетик қарашларини баён этиши, трагедия ҳақидаги назарий фикрларининг

ҳозирги давр учун аҳамияти. Қадимги Юнон сахна санъати: театр меъморчилиги, актёрлар ва томошабин.

Искандар Зулқарнайн томонидан шарқ мамлакатларини босиб олиниши антик маданиятини шарққа, шу жумладан Туронзаминга тарқалиши: Янги Аттика комедияси: Мемандр (эрамиздан аввал 343-291 й) ижоди билан эллинизм даври театрини демократик руҳга кучайиш: Эллинизм даври Юнон сахна санъати.

Қадимги Рим театри. Республика даври (эрамиздан аввал II-I асрлар) ва империя даври (эрамиздан аввал I ва эрагент V асри) Рим театри, уни Юнон театри таъсирида ривож топиши, ўзига хосликлари. Плавт (эрамиздан аввал 254-184й) комедияларининг халқчилиги, Сенека (эрамиздан аввал 4 й, милодий эранинг 65й) ижодий Рим зодогонлар доираси кайфиятини ифода этиш асосида кучли инсоний тақдирлар тасвирига қаратилиши. Рим театрини дунёвий муассаси тарзида таркиб топиши. Римда театрни дунёвий муассаса тарзида кўрилиши, актёрлик касбига номусли касб тарзида қараш, атоқли Рим актёрлари (Эзоп, Росций). Римда биринчи доимий театрни курилиши (милоддан ав.55 й).

Ўрта аср театр тарихи. Ўрта асрларда театرنинг инқирозга учраши, уни диндорлар ўз манфаатлари бўйинсиндириш, томошаларнинг асосий мавзуси-диний мавзу бўлиб қолганлиги. Ўрта аср театри жаҳонлар (мистерия, миракл, моралите, фарс)ини шаклланиши ўзига хосликлари. Феодал муносабатларни шаклланиши баробариди ўрта асрларда Оврўпада христианликни асосий мафкурага айланиши ва у муносабат билан диний театр жанрларини (мистерия, миракл) таркиб топиши. Халқ театр томошалари (гистрионлар), форс жанри ва унинг Янги давр комедиясини шакллантиришда тутган ўрни.

2-мавзу: Уйғониш даври ва XVII аср француз классицизм театри.

РЕЖА:

1. Италия. Уйғониш даври театри.
2. Комедия дель арте (ниқоблар комедияси)
3. Италиян театр меъморчилиги.

Италия. Уйғониш даври театри. Италиян маърифат гуманистик драмасы. Комедия дель арте (ниқоблар комедияси) энг халқчил Италиян театр меъморчилиги.

Милодий эранинг V асрида Рим империяси қулагач, христианлик мафкурасининг кучли тазйиқи остида антик даврда яратилган бадиий ёдгорликлар

катагонга учрайди, Юнонистон ва Римда дунё юзини кўрган санъат асарлари, театр анъаналари унутила бошлайди. Черков ўз театрини яратади: ибодат драмаси, мираисл, мистерия, моралите етакчи жанрга айланиб кенг оммани насронийлик ғояси атрофида уюштиришда энг тасирли тарғибот воситасига айланди. Айни чоғда санъати қишлоқ маросим томошалари асосида туғилиб омманинг эркпарварлик кайфиятини ифода этган халқ театри намоёндалари — гистрионлар сарфати ҳам яшашда давом этди.

Бу даврга келиб, дунёвий шукухбахш театр санъатининг кенг тараққий этиши учун ўрта асрча муттасибона қарашларга тўсиқ бўла олувчи янги ижтимоий муносабатлар шаклланиши талаб этилади.

Шундай ижтимоий муносабатлар Оврўпо мамлакатларида XIV-XVI асрларда рўй берди. Тарихга Уйғониш (Реннесанс – фр. Реннесансе) даври сифатида кирган бу ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт даври Оврўпо театр санъати тарихида янги ривожланиш даврини белгилаб берди.

Эркин, ҳур инсон айнан Уйғониш даврида жамиятнинг олий тилагига айланади. Яқин ўтмишда дағал масхарабозлик, ақидапарастлик макони бўлиб, келган сахна энди улуғвор ғоялар, теран фалсафий мушоҳадалар масканига, умумхалқ минбаига айланади. Сахнада замоннинг ур-йиқитлари ўз аксини топади, нопок, рухий кечинмалар тадқиқ этилади; шу билан бирга томошабинлар ичакузар сахнавий ҳазил-мутойиба ва ҳангомаларни завқ-шавқ билан қарши оладилар.

Ренессанс даври театри XV—XIV асрлар бўсағасида Италияда шаклланади, сўнг Испанияда янги тараққиёт босқичига кириб Англияда Шекспир замонида камолот чўққисига кўтарилади.

3-мавзу: Уйғониш даври театри

РЕЖА:

1. Испан театри. Халқ озодлик ҳаракатининг бадиий ифодаси.
2. Уильям Шекспир (1564-1616) – уйғониш даврининг даҳо драматурги эканлиги

Испан театри. Халқ озодлик ҳаракатининг бадиий ифодаси. Улар испан театри ва драматургиясини қаҳрамонлик руҳида шакл топиши. Испан сахна санъати

Испанияда Уйғониш даври Италиядан кейинроқ, XV асрнинг охирларида бошланган; Испанияда беш аср давомида араб истилосига қарши кураш олиб борилди. Реконкиста (қайта гуллаш) деб аталувчи бу озодлик уруши 1492-йили испан халқининг ғалабаси билан ту-айди. Шу кураш давомида ягона миллат ва марказлашган қироллик

хокимияли шаклланади. Шу курашлар испан театри ва драматургиясининг халқчиллиги ва ўзига хослигини белгилаб берган.

Испан драмаси ва театри илк-босқичдаёқ ўз ҳаққонийлиги ва халқчиллиги билан кўзга ташланди. Жонитани она замин билан боғлиқ зот — театр санъатининг фидойиси, актёр ва драматург **Лопе де Руеда** (1510—1565) миллий театрнинг асосчиси сифатида майдонга чиққан эди. Бу шонли испан фарзанди даврида,— деган эди Сервантес,— бир қопга жой бўлгулик театр анжомлари бўлган: улар ҳисоби — зар чатилган тўртта оқ пўстин, тўнта сокол ва парик, тўртта чўпон таёғи эди...». Испан театри Лопе де Русдага ўхшаш кўплаб сайёр актёр ва труппалар заминида дунёга келган. Лопе де Руеда ўзининг жажжи пьесалари (пасос) билан халқ тилидан фойдаланиш ва халқ ҳаётини кўрсатиш йўллариини белгилаб берди. Лекин бу испан театри фаолиятининг бошланиши эди, холос.

Испан театрининг янги ривожланиш даври машҳур «Дон Кихот»нинг муаллифи Сервантес Сааведра (1547—1616) номи билан боғлиқ. Сервантес камбағал табиб оиласида туғилган, 1570-йилда қироллик денгиз флотига ёлланади, жангларда иштирок этади, денгиз қароқчилари томонидан қўлга туширилиб, тўрт йил давомида Жазоирда асирликда бўлади.

Сервантеснинг йирик пьесаларидан бири «Нумансия» (1588) тарихий трагедияси бўлиб, унда э. ав. 135-йилда нумансияликларнинг Сипион бошлиқ рим босқинчиланга қарши мардонавор кураши ифодаланган. Нумансияликлар душман қўлига тушмаслик учун, ҳалокат муқаррарлигини билиб, шаҳар ўртасида ёқилган гулханга ўзларини ташлаб ўлдирар, ёшлар имкон қадар душманга қаршилик кўрсатарди. Ва ниҳоят биргина Вириат исмли ёш бола тирик қолади: у шаҳар дарвозаси калитларини олиб минора тепасига кўтарилади, шунда ташқарида турган Сипион унга ялиниб-ёлвориб, калитни беришини сўрайди: лекин Вириат — охириги тирик нумансийлик ҳам минорадан ташлаб ўзини-ўзи ҳалок қилади. Бола жисман мвхв бўлган эрса-да лекин руҳан ғолиб бўлади, сабаби — у ўз юрти яловига содиқ қолади. Қадимги одатга кўра, Сипион юртига тирик одамларни асир қилиб олиб борсагина, ғолиблик шарафига эришуви мумкин эди. Бундан уни биргина тирик қолган бола маҳрум этади.

«Нумансия» улкан халқ жасорати ҳақидаги фожиадир. Ватанпарварлик долзарб мавзуга айланган даврларда испанлар бу асарга алоҳида фаоллик билан мурожаат этадилар. 1808-йили Наполеон босқини, 1937-йили Мадридни ҳимоя қилиш даврида шундай бўлган эди.

«Ҳеч қўйилмаган саккиз комедия ва саккиз интермедия» деган пьесалар тўпламига қараганда, драматургия Сервантес ижодида катта ўрин тутган. Айниқса,

унинг интермедиялари ҳузурбахшдир. Улар воқеаларнинг жонли акс эттирилиши, тилининг ўткирлиги, сержилолиги билан ажралиб туради. Муаллиф уларда, халқ новеллачилигига суяниб, Лопе де Рuedaарфанасини давом эттиради. Синиб, бор шудидан ажралган оксуяклар, адашган роҳиблар, учар товламачилар, шўхчан соҳибжамоллар, рашкчи қариялар, лақма эрлар, актёрлар, амалдорлар ва бошқа шаҳар фуқаролари бу интермедияларнинг бош қаҳрамонлари ҳисобланади. «Сўққабош товламачи», «Рашкчи чол» «Саламан ғори», «Ажойиботлар театри» каби интермедиялар испан комедиянавислигининг ажойиб намуналарига айланган.

Испан театрининг гуллаган босқичи Лопе де Вега ижоди билан боғлиқдир. Поезия билан ҳаёт ҳақиқатини муштарак уйғунликда намоён этиш «Театр империясининг қироли» бўлмиш шу соҳиби талантга насиб этди.

Лопе Де Вега (1562—1635)

Лопе де Вега аллақандай мўжизавий ижод соҳиби бўлган. Шу чокқача у ёзган асарларнинг сони аниқ охирига етказилмаган. Замондошлари икки мингдан ортиқ рақамни келтирадилар. Лопе де Вега ёзган асарларнинг тўртдан бири яъни 500 таси сақланиб қолган. Шунинг ўзи ҳам дунёда бирорта драматургга насиб этмаган рақамдир.

Лопенинг поезияга эрта қизиқиши унинг табиий истеъдоди билангина изоҳланмас эди. Бу ёшлигидан кенг эгалланган билимнинг ҳам самарасидир.

Завол топган дворяннинг ўғли бўлмиш Лопс Мадрид иезуитлар коллежида, сўнг қиролик академиясида таҳсил кўради. Синчков ўсмир математика ва фалакиёт, тарих, фалсафа илмлари ва қадимги адабиётни ўрганади. «Ўзгалар яратган гўзалликдан таъсирланиб, нафис адабиётнинг мафтуни бўлдим ва назм пири Амурнинг дуои фотиҳаси мени ундан ҳеч қачон ажралмасликка мустаҳиқ этди», деб ёзган эди драматург.

Лопе де Вега испан театри эришган тажрибалардан фойдаланиб, шундай ижодий парвоз этдики, натижада юксак шоирона руҳ билан йўғрилган ва инсонпарварлик ғояларга лиммо-лим миллий драматургия дунёга келди. У драматургияда тарқалган қаҳрамонлик руҳидаги воқеани чучмал олди-қочдилардан холи этди маиший мавзунини шеърят даражасига кўтарди. Унинг комедияларидаги воқеа тизимида серҳашамлик кўзга ташланса-да, лекин у инсоний кечинмаларнинг мантикий табиийлигидан ички мантиқ доирасида ривожланиб боради. Лопе де Вега ўз пьесаларини шоир сифатида тасниф этди, бу эса фожеа ва комедияни ўзаро қарама-қарши қўйишдек одатга барҳам берди. Унинг фикрича, сахнада акс этган инсон ҳаёти янги тус-тароват касб этиши керак; у асл ҳаётий маъносини йўқотмай, кўтаринки, шоирона шукуҳ манбаига

айланиши лозим. Шунда у дағал, кўримсиз воқеаликнинг, сурати эмас, кишиларнинг чин орзу-умидлари ифодасига айланади.

Уильям Шекспир (1564-1616) – уйғониш даврининг даҳо драматурги эканлиги: Шекспирнинг а) тарихий солномалари; б) комедиялари; в) улуғ трагедиялари. Шекспир даври инглиз саҳна санъати.

Уйғониш даври Оврўпо театри Англия заминида, буюк драматург Шекспир ижоди мисолида ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилади. Бу театрда қадимги ва янги давр саҳна санъатининг ютуқлари ўз аксини топди.

Буржуазия хунармандлар ва дехқонлар оммаси билан биргалашиб феодалларга қарши курашда ўз ҳукмини тасдиқлашга қодир эканини амалда исбот эта бошлади. «Енгилмас кемалар қарвони» яқсон қилиб, Испания устидан ғалаба қозонишда инглиз миллатининг ўрта ва қуйи қатламлар қироллик ҳокимияти ва унинг сарой зодагон кўшинларидан кам иштирок этган эмас. Шу тарихий ғалабаларнинг ҳаётбахшли кучи таъсирида янги хилдаги инсон етишиб чиқдики, унинг образи Уйғониш даври инглиз драмасида бутун борлиғи билан намоён бўлди.

Драматургияда демократик омма орасидан чиққан ва бутун вужуди билан шу оммага яқин, дадил; журъаткор хурфиқрли кишилар кириб келадилар. Булар Марло, Кид, Грин каби драматурглар эди. Дорилфунунларда таҳсил-кўриб, кенг билим ва ақл-заковат эгалари бўлганлари боис уларни «дорилфунун оқиллари» деб аташ одат тусига киради. Янги инсонпарварлик руҳидаги театрни халқ театри билан ўзаро уйғунлаштириш вазифасини шу «дорилфунун оқиллари» амалга ошириб бордилар.

Шекспир (1564—1616)

Шекспир драмалари жаҳон санъати ютуқларининг энг нодир намуналарини ташкил этади. Даврнинг реал воқеликларини теран акс эттирувчи бу асарлар кундалик турмушнинг руҳсиз изохи бўлиб қолмади. Улар юксак умумлашма асарлар даражасига кўтарилди. Бу ҳол драматургга жамиятдаги шиддатли тўқнашув ва зиддиятларни очиқ ташлаш, даврнинг машаққатли муаммоларини олға суриш имконини берди. Инсон ва Уйғониш даври ҳақидаги ҳақиқат қанчалик аччиқ ва ўкинчли бўлмасин, Шекспир бу ҳақиқатни бутун борлигича тўла-тўқис баён қилиб бседи.

Улуғ мутафаккир ва даҳо сўз устаси Шекспир норнининг жаҳон театри тарихида абадий боқийлиги у яратган санъатнинг инсонпарварлиги, халқчиллиги, мазмунан ғоят теран ва ҳаққонийлиги билан белгиланади.

Шекспир 1564-йил 23-апрелда Англиянинг қоқ юрагида жойлашган Стеофорд шаҳрида таваллуд топган. Унинг отаси Жон Шекспир ўзига тўқ савдогар ва тери

ошловчи ҳунарманд эди. Онаси Мери камбағаллашиб қолган арден дворян оиласидан чиққан.

Шекспир етти ёшида маҳаллий мактабга боради. Бу ерда ўқувчилар нотиклик санъати, мантиқ илми, латин, юнон тиллари, антик адабиёт, мифалогия асосларидан воқиф бўладилар. 1580-йилларнинг охирида Шекспир Строрфордни тарк этиб, саёр труппа сафида бирмунча вақт вилоятларда сафарда бўлган, сўнг Лондонга келиб, бир труппага ишга кирган.

4-мавзу: XVII-XVIII аср театри

РЕЖА:

1. Француз классицизм театри.
2. Жан Батист Мольер (1622-1673) француз олий комедиясининг асосчиси.

Француз классицизм театри. XVI-XVII асрларда марказлашган Франция монархиясини шаклланиши муносабати билан монархия сиёсати мувофиқлаштирилган классицизм бадиий услубини таркиб топиш ва унинг эстетик тамойиллари..

ФРАНЦУЗ КЛАССИЦИЗМ ТЕАТРИ

Уйғониш даври театри инқирозга юз тутиб, умрини ўтаган бир пайтда Францияда драматурглардан Корнел, Расин ва Мольер асарлари мисолида бир бадиий услуб пайдо бўлдики, у тарихга классицизм услуби номи билан кирди. Людовик XIII (1610-1643), Людовик XIV (1643-1715) ҳукмронлик қилган даврда Франция марказлашган йирик монархик давлат сифатида майдонга чиқади. Абсолют монархия дворянлар ҳокимиятининг шакли бўлгани ҳолда турли табақаларни бирлаштириш, мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш гарови сифатида кўрина бошлайди. Классицизм айнан шундай тарихий шароитда давлатнинг мафкуравий курули сифатида пайдо бўлди. Классицизмнинг Уйғониш даври санъатига яқинлик жиҳати кучли, фаол қаҳрамоннинг саҳнага қайта келишида кўринар эди. Лекин бу маълум ҳаёти мақсадга эга бўлган қаҳрамондир: у ўзининг шахсий ҳис-эҳтироси, иродасини ахл ва юксак ахлоқ доирасида жиловлай олиши ва буткул давлат олдида бурчини адо этиши шарт бўлган қаҳрамон бўлиши керак эди Шу бош мақсад асосида классицизмнинг маълум дастурий қоидалари ишлаб чиқилади. Булар Никола Буалонинг «Шоирлик санъати» (1674) шеърий рисолисида ўз ифодасини топган. Классицизм эстетикаси кўп жиҳатдан Аристотел ва Горацийнинг назарий қоидаларига асосланган эди. Жанрлар аниқлиги (асосийлари — трагедия ва комедия уч бирлик қадасига қатъиян риоя қилиш шулар жумласига киради.

Классицизм сатфатининг мақсади ватанига, монархияга содиқ фуқроларни тарбиялаш эди. Қаҳрамоннинг ўз кадр-қиммати, ор-номус йўлидаги кураши миллининг ўз шон-шавкати ва эрки учун олиб борган курашига монанд келиши керак эди. Бунинг учун бир қатор кафий қоидалар белгилаб қўйилди: давлат олдидаги бурчнинг шахсий ҳис-туйғу ва манфаатдан устуворлиги, яъни бурчнинг ҳиссиётдан устун келиши; асардаги тўқнашувлар — бурч ва ҳиссиёти ўртасидаги тўқнашув ва бурчнинг ғолиб келиши.

Классицизм атамаси лотинча *classicus* сўзидан олинган бўлиб, намунавий, ибратомуз маъносини англатади. Шундай ибратомуз қаҳрамонлар юқори табақа вакиллари қироллар шахзодалар, маликалар асар воқеаларининг асосий иштирокчилари сифатида белгиланди. Трагедиянинг олий, комедиянинг паст жанр деб ҳисобланиши ва трагедиянинг комик сахналардан холи, соф жанр намунаси бўлиши зарурлиги талаби ҳам клас-сицизм услубининг аслзодалар табақасига хос жиҳатлари билан белгиланган. Трагедия маълум шеърӣй вазнда, шоирона кўтаринки тилда уч бирлик қоидасига асосланилган ҳолда ёзилиши шарт қилиб қўйилди. Унда хатти-харакат бирлиги асосий воқеа йўналишидан четга чиқмасликни тақозо этса, замон ва макон бирлиги қоидасига кўра воқеа бир кеча-кундуз давомида ва бир жойда рўй бериши шарт эди. Классицизм трагедияси ва комедиясининг бадиӣй етуклиги ўзининг яхлитлиги ва у ерда маълум эҳтирослар ифодачиси бўлмиш умумлашган йирик образларнинг мавжудлиги билан белгиланади.

Жан Батист Мольер (1622-1673) француз олий комедиясининг асосчиси, театр арбоби, режиссёр ва актёр сифатида. Француз сахна санъати классицизмни актёрлик санъатида намоён бўлиши.

Мольернинг номи француз театри тарихида комедиянинг буюк ислохотисифатида муҳрланиб қолган. Мольер комедия жанрига ижтимоӣй маънодорлик, ҳажвий йўналиш ва жозибador сахнабоплик фазилатларини бахш этди.

Мольер қирол саройида жиҳоз созловчи уста Ж. Покелен оиласида туғилди, имтиёзли ўқув юртландан Клерман коллежида таҳсил кўрди ва 1643-йили ўзига Мольер деган тахаллус олиб, ҳаётини театрга бағишлашга аҳд қилди. У бир гуруҳ санъаткорлар билан ўн уч йил давомида вилюятларджа қъзи асарлар ёзиб, спектакллар қўяди, роллар ижро этади.

Мольер 1658-йили ўз труппаси билан Лувр саройида, қирол Людовик XIV ва унинг мулозимлари қаршисида ўз санъатини намоӣйиш этади. Шу чиқиш Мольер ва унинг труппаси тақдирида бурилиш нуқтатасига айланди. Мольер труппаси Парижда учинчи театр (“Бургунд отели», «Марс» театрлари қатори) сифатида қолдирилади, У

«Қирол мисининг труппаси» номини олиб, Пти Бурбон саройи залида иш бошлайди, 1661-йилдан Пале-Роял театри биносида ўз фаолиятини давом эттиради. Молернинг кейинги 14-15 йиллик умри шу театрларда ўтди, комедия ҳам трагедия каби юксак тарбия воситаси эканини кўрсатувчи асарлар яратди, режиссорлик ва актёрлик сарфати соҳасида янги тамойилларга асос солди.

Молер янги усулдаги комедия турини яратишда халқ театри билан абадий драматургия ютуқларини ўзаро уйғунлаштириш йўлидан борди. «Севги можароси» (1656) комедияси шу йўлдаги биринчи уриниш бўлди.

Молернинг Париждаги драматурглик фаоли ёзилган «Кулгили таннозлар» комедияси билан авжига кирди. Унда чучмал, ҳавойи сарой севги синоатлари масхара остига олинган эди. Унда таги бўш, бежогли нутку беўхшов қилиқлар сарой хонимлари тимсолини яққол кўрсатиш даражасида моҳирона илғаб олинган, шу билан бирга табақавий кибру ҳаво ва димоғдорлик инсон табиатини қанчалик поймол этиб, уни қўғирчоқ мисол қуруқ савлатга айлантириб қўйиши ҳам очиб ташланган эди. Асар фавкулудда зўр муваффақият қозонди. У қаторасига 38 марта кўрсатилди.

Таълим-тарбия, ахлоқий муносабатлар мавзуида яратилган. «Ерларга сабоқ» (1661), «Аёлларга сабоқ» (1662) каби асарларс ўрта асрча қарашларга зид равишда ўзаро севишиб турмуш қуриш эркин тарбиянинг афзаллиги масалалари ажойиб-ғаройиб лавҳалар ва образлар орқали ифода этилди.

Молернинг буюк комедиялари «Тартюф» (1664) асари билан бошланди. «Дон Жуан ёки Тош меҳмон» (1665), «Одамови» (±666), «Хасис», «Сохта оқсуяк» (1668) шулар жумласига киради.

5-мавзу: Маърифатпарварлик даври театри

РЕЖА:

1. Инглиз театри. Маърифатпарварлик ғояси.
2. Француз театри ва сахна санъати.
3. Италия театри. Италия маърифатпарварлиги Оврўпа драматургияси
4. Фридрих Шиллер (1759-1805) буюк драматург

1688-1689-йил инглиз буржуа инқилобидан 1789-йил улуғ француз буржуа инқилобига қадар бўлган юз йиллик — Оврўпо театри тарихига Маърифатпарварлик даври сифатида кирди.

Маърифатпарварлар Уйғониш давридан шахс ҳурлиги ва унинг эркин маънавий такомиллашуви ғоясини мерос қилиб олдилар. Улар манфаатпарастликка асосланган

буржуача ишбилармонликни фуқаролик вазифалари билан уйғунлаштириш, буржуазияни «фуқаро»га хизмат қилдириш мумкин, деб ҳисобладилар. Бунга эришишнинг энг мақбул йўл — инсонни маърифатли қилиш деб билдилар. Дили ва ақл-идроки маърифат нури билан жилоланган инсон фосиқлик тузоғига илинмайди, жамият саодати йўлида хизмат қилиш унинг учун мўътабар мақсадга айланади, деб тушундилар улар.

Ижодкорлар турли мамлакатларда турлича ижод қилган бўлсаларда, лекин уларни ягона маърифатпарварлик ғояси бирлаштириб турди. Айни замонда XVIII аср бадиий ижодиётида бир-биридан тубдан фаркланувчи ўзига хос, бетакрор ижодий сиймоларни етиштириб берди: Англияда Шериданва Гаррик, Францияда Волтер, Дидро, Бомарше ва Лекен, Германияда Лессинг, Гвоте, Шиллер, Италияда Голдони ва Гоцсилар жаҳон маданияти тарихидан муносиб ўрин олган шундай сўз усталари ва санъаткорлар эдилар.

Маърифатпарварлар «дили ва ақли» бир-бирига мутаносиб шахснигина идеал шахс деб билганларидан улар санъат бобида ҳам ҳис-туйғу талабларига эътибор билан қараганлар. Лекин ҳис-туйғу ва ақл идрок орасидаги мутаносиблик даражасига нисбатан бўлган тушунчаларда ўзгаришлар юз бериб борди. Маърифатпарварлик санъати ривожининг биринчи, яъни маърифатпарварлик классицизини етакчи йўналишга айланган даврда ақл-идрок ҳис-туйғудан сезиларли даражада устун турарди.

XVIII аср санъатининг кейинги ривожланиш босқичи маърифатпарварлик реализми деб юритилди. Учинчи босқичда кўпчилик маърифатпарварлар ҳиссиётига ружу қўйдилар. Шу боис уни сентиментализм босқичи деб аташ таомилга кирди.

1. Инглиз театри. Маърифатпарварлик ғояси дастлаб Англияда илдиз отиб, маърифатпарварлик театри в драматургияси фанлари ҳам дастлаб шу заминда шаклланади..

1688-1689 йил-инглиз буржуа инқилоби туфайли инглиз театри тарихида янги давр бошланади. Ҳокимиятга қайтиб келган Стюартлар династияси пуританлар томонидан қувғин қилинган театрни қайта тиклайди.

Маърифатпарварлик театрига хос театр жанрлари дастлаб Англияда шаклланди. Шундай жанрлардан бири сентиментал (ҳазин) ташвиқий комедия бўлиб, унинг бош мақсади — яхшилик намуналарини кўрсатиш билан кишиларни эзгуликка даъват этишдан иборат бўлди. Кескин тўқнашув ва кулгили вазиятларни четлаб ўтувчи бу хил комедияда буржуа турмуши кўтаринки руҳда ифодаланди, буржуача ахлоқий тамойиллар тасдиқ этилди.

730-йилларнинг бошида яна бир жанр — буржуа трагедияси ёки мешчан драмаси пайдо бўлади. Мешчан драмасида оддий инсон фожеей сахнанинг бош қаҳрамонига айланди. Жорж лилло (1693-1739) нинг «Лондон савдогари ёки Жорж Барнвел қиссаси» (1731) асарнинг улкан муваффақияти бу жанрнинг сахнада тасдиқланишига кучли таъсир кўрсатади. Асарда Жон Барнвелнинг суюғоёқ Милвудга илашиб қолиб, унинг қистови билан хўжайинининг мулкини ўғирлаши, кейин меросига эгалик қилмоқчи бўлиб, ўз амакисини ўлдириши ҳақида ҳикоя қилинган эди. Жинойтчиларнинг ҳар иккаласи ҳам қатл этилди.

Баллада операси ва машқ (репетиция) жанрлари кенг ёйилди. Бу жанрларга мансуб асарларда мавжуд тарғиботга нисбатан танқидий муносабат кучли ифода этилган. Баллада операси – пародия жанридир; унда кўшиқлар, одатда, мутлақо номувофиқ охангларда, яъни кулгили сўзлар ғуссали, ғуссали сўзлар кулгили охангларда айтилган. Қаҳрамонлар бамисоли икки қиёфали бўлиб кўринадилар: масалан, қароқчилар тарзида кўринган кимсалар мутлақо ўзгача - қароқчи сиёсий арбоблар тарзини оладилар.

Машқ — репетиция жанри «театрда театр» усулига асосланган жанрдир. Бу жанрнинг тарихи «Букенгемнинг» Машқ (1671) пьесасидан бошланди. 25 та пьеса ёзган йирик ҳажв устаси Генри Филдинг (1707—1754) ҳам бир катор пьесаларини машқ жанрида ёзиб, буржуа демократиясидаги сохталикни фош этган.

Лекин томошабинлар орасида кенг шуҳрат топган баллада операси жанри бўлиб, у Жўн Гей (1685-1732) нинг 1728-йили сахналаштирилган «Қашшоқ операси» асаридан сўнг кенг тараққиёт йўга кирди. XX асрда «Қашшоқ операси» сюжети асосида Б. Брехт «Уч мирилик опера» асарини ёзди.

XVIII асрнинг 60-йилларидан «одатдаги комедия тараққиёти бошланади. У қувноқ комедия номи билан дунёга келиб, сентиментал комедияни сиқиб чиқара бошлайди.

Оливер Голдсмит (1728—1774) «Театр ҳақида тажриба ёки қувноқ комедия билан ҳазин комедия чоғишмаси» рисоласида комедия табиатан кишида ҳазин, изтиробли туйғуларни эмас. балки ўзининг қувноқ-хушчакчақлик хусусияти билан ҳаётга ошифталик хиссини уйғотувчи жанр эканини кўрсатиб, ўзи бу борада “Бир тун хатолари» (1773) асарини яратиб ибрат кўрсатади. «Бир тун хатолари» замондош кишиларнинг феъл-атворини қизиқ лавҳа ва образлар орқали кўрсатиш билан инглиз марифатпарварлик драматургиясида инсоннинг ахлоқий олами тадқиқ этишга қаратилган ёриалишнинг илк намунаси эди.

2. Француз театри ва сахна санъати. Француз маърифатпарварлик театри драматургияси ва сахна санъати хакида.

1715-йили Людовик XIV нинг ўлими билан катта бир даврга якун ясалди. Абсолютизм тузуми охир оқибатда мамлакатни хароб қилганлиги маълум бўлди. Француз-маърифатпарварлари нодонликни қоралаб оммага билим тарқатиш учун курашдилар. Эски тузумни асослашга қаратилган тараққиётга тўсиқ бўлувчи ҳар қандай уриниш қоқоқлик, жоҳиллик, нодонлик деб эълон қилинди. Дени Дидронинг тадқиқотлари туфайли оламга материалистик қараш нуқтайи назарининг шаклланишига асос яратилади.

Маърифатпарварлик театри ривожда француз театри янги давр очди. Волтер француз маърифатпарварлиги илк босқичининг энг йирик намоёндаси сифатида майдонга чиққан.

ВОЛТЕР (1694-1778)

Франсуа Мари Аруе Волтернинг падари бузруквори йириккина мансабдор юрист, онаси эски дворянлар хонадонидан чиққан кишилар бўлишган. Волтер болалигидан яхши билим олади, ҳурфикрли аслзодалар тўгараги иштирокчисига айланади. Унинг ўсмирлик чоғида ёзган ҳажвий шеърлари ҳокимият доирасида шов-шув кўтарилишига сабаб бўлади, Бастилия истехкомида ўн бир ой авахтада ётади, ўзининг «Едип» деган тиринчи песасини шу ерда ёзади. 1726-йили бир аслзода билан урушиб қолиши баҳонасида яна Бастилияга қамалади, сўнг уни франсиядан чиқариб юборадилар. Волтер уч йил Англияда яшаб, Шекспир асарларини фалсафий ва эстетик қарашларини шакллантиради

Волтер драматургияда классицизм йўлини танлади: у Корнел, Расиндан сўнг классицизмнинг учинчи улуғ фожианависи сифатида майдонга чиқди. Лекин бу классицизм бошқача, маърифатпарварлик классисизми эди. Волтер қаҳрамонлари хис-туйғу бобида жўшқинроқ, унинг асарларида хатти-ҳаракат анча шиддатли ва кўламдор. Булар классицизм қоидаларидан чекиниш эвазига эришилган янгича эстетик тамойиллар эди. Волтер классицизмни даврга мослаштириш билан уни мукаммаллаштириш у ёқда турсин, аксинча, унинг заминига путур етказди ва ўзи сезмаган ҳолда романтизмга йўл очиб берди.

Волтер классицизм драматурги бўлгани ҳолда. Шекспир ижодининг кўпгина жиҳатларини ўзига сингдиrolмайди. Бошқа француз маърифатпарварлари каби Волтер ҳам Шекспир асарларига хос ўта фожиали воқеаларни қабул қилолмайди. Шундай бўлса-да, у Шекспир асарларидан француз тилига таржима қилиб, у ҳақдаги

фикрларини эълон қилиб, улуғ инглиз драматургини французларга таништирган маърифатпарварлардан бири бўлди.

Волтер деярли барча жанрларда қалам тебратган. Лекин ўзини, аввало, драматург деб ҳисоблайди. У трагедия, комедия, либретто каби жанрларда 54 та драматик асар яратган. Шулардан ўттизтаси трагедия, яъни у трагедиярнавис шоир сифатида шуҳрат топди. Унинг «Заира», «Брут», «Юлий Сезар», «Мухаммад», «Семирамида», «Меропа», «Танкред», «Хитойлик етим», «Скифлар» каби трагедиялари француз маърифатпарварлик драматургиясида янги давр очди.

3. Италиян театри. Италия маърифатпарварлиги Оврўпа драматургиясига икки буюк драматургни берди: Карло Гольдони (1707-1793) комедия дель арте бадиқайи театрини ислоҳ қилиш асосида адабий драмага асосланган Янги усулдаги театрнинг асосчиси сифатида кўринди. Карло Гоцци (1720-1806) теат эртаклари (фиатлар) муаллифи сифатида Оврўпа театри тарихига кирди.

Деларте комедияси ягона театр тури сифатида халқ орасида яшаб келгани ҳолда Италияда адабий драмага асосланган театр яратилмади. Маърифатпарварлик даври шундай театр яратилиши зарурлигини тақозо этди. Маълумки, дел арте комедияси (ниқоблар-комедияси) бадиҳа асосига қурилган театр бўлиб, унда маҳорати адабий драмага мосланмаган актёрлар фаолият кўрсатиб келган. Италиян маърифатпарварлари олдида ягона адабий тилга асосланган драма турини яратиш вазифаси кўндаланг бўлиб турарди. Бу вазифа италян театрини тубдан ислоҳ қилиш орқали амалга оширилиши мумкин эди. Атоқли италян драматурги Карло Голдони бутун фаолиятини шу вазифани адо этишга қаратди.

КАРЛО ГОЛДОНИ (1707—1793)

Карло Голдони Венецияда доқтир оиласида туғилган, театрга жуда ишқибоз бу оилада Голдони ҳам болалигидан ҳаваскорлик спектаклларида роллар ўйнаб, келажаги театр билан боғлиқ бўлишини белгилаб олган эди. Ота-оналари унинг адвокат бўлишини истардилар, шунга кўра у Педуан университетида таҳсил кўради, маълум вақт оқловчи бўлиб ишлайди. 1734-йили Венеция театр труппасига пьесалар ёза бошлаб, шу бўйи ҳаётини буткул бадиий ижодга бағишлайди.

Актёрларда адабий драма ижрочилиги бўйича кўникма ҳосил қилиш орқали дел арте комедиясини ислоҳ қилиш мумкин эди. Бошланишда Голдони актёрларга одатдагидек сценарийлар ёзди, 1738-йили «Дунёвий киши ёхуд Мамоло жамоа юраги» деган песада биргина рол учун матн ёзади ва актёрлар билан ишлаб, матн устида аввалдан ишлаб сахнага чиқиш бадиҳа усулидан афзал эканлигини амалда исботлаб

беради. Ж Голдони ўз ислоҳотида дел арте комедиясига хос сахнабоблик жиҳатларини сақлаб қолади. Хусусан, мжоро тузиш, ҳолатларини кескинлаштириш усулларини адабий драмага олиб кирди, лекин лоф,— бўрттиришлардан воз кечди. Натижада инсоний муносабатларнинг туб маъносини англатиш Голдони песаларининг асосий фазилатига айланди.

Голдони ўз комадияларини «хулқ-атвор комедияси» дейиш ўрнига баъзан муҳит комедияси ёки жамоа комедияси деб атаган. Бу ўзига хос атамаларнинг моҳияти халқ ҳаётини кенг тасвирлаш, турли табақа кишиларига хос хусусиятларни очишдан иборат ягона ижодий интилишнинг ифодаси эди. Бу тоифадаги комедияларда Голдонининг фикрича, бош қаҳрамонлар бўлмаслиги керак. Драматургнинг вазифаси, унингча, ҳаққоний умумий ижтимоий муҳит манзарасини яратишдан иборатдир.

Голдони «жамоа комедияси» талабларига амал қилган ҳолда шаҳар турмуш маризаралари, турли ижтимоий табақалар ҳаётининг кашфиётчиси сифатида кўринди. «Қаҳвахона», «Янги уй» (1760), «Кжожиликлар хангомаси (1762), «Елпиғич» (1763) ва бошқа пьесалар шулар жумласидандир.

4. Немис театри. Иоганн Фольфганг Гёте (1749-1832) драматургия, уни драмага ижтимоий-тарихий мавзунини олиб кириши: «Фауст» трагедияси инсон ва инсон тақдири ҳақидаги фалсафий асар.

XVIII асрда немис театри эришган улкан муваффақиятлар жаҳон театри ва адабиётига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилди. Айнан немис драматурглари Лессинг, Гёте, Шиллер Маърифатпарварлик даврида драматургия ва театр соҳасида эришган ютуқларга таянч ясаб, маърифатпарварлик реализмидан XIX аср танқидий реализмига ўтиш йўлини белгилаб бердилар.

Немис театри ҳам Оврупонинг бошқа мамлакатлари санъати каби турлича ривожланиш босқичини ўтади. У маърифатпарварлик классицизми, маърифатпарварлик реализми, сентиментализм, илк романтизм давларининг бошдан кечирилади. Лекин бу оқимлар Германияда бошқа мамлакатларга қараганда ўзгача аҳамиятга эга бўлди.

ГОТГОЛД ЭФРАИМ ЛЕССИНГ (1709—1781)

Готголд—Ефраим Лессинг Саксониядаги Капенса шаҳрида руҳоний оиласида таваллуд топган. Ўн етти ёшида Лейпсиг университетига ўқишга киради, лекин икки йил ўқиб уни ташлаб кетади, таниқли адиб даражасига чиққанда ўқишини Виттенбергда тамомлаб, эркин санъатлар магистри унвонига эришади. У «Ёш олим» деган биринчи пьесасининг ўн саккиз ёшида ёзган.

Лессинг, аввало, буюк танқидчи сифатида майдонга чиққан эди: Гамбург миллий театрида ишлар экан (1767-1768), унинг сахнасида қўйилган асарларга тақризлар ёзиб, ўзининг машҳур «Гамбург драматургияси» деган китобини яратади. Унинг «Лаокоон» рисоласи маърифатпарварлик реализми тамойилларини асослаб беришда йирик тадқиқотлардан бирига айланди.

Лессингнинг фикрича, актёрлик санъати тасвирий санъат билан поэзия оралиғидаги санъатдир: у ҳам макон, ҳам замон доирасидаги санъат, яъни бир жиҳатдан сахнавий макон ифода имконларига асосланса, иккинчи томондан шаклланиш, ривожланиш қонуниятларига асосланган. Актёр, аввало, жисмоний имкони кенг ва қовушимли бўлиши, яъни гавдасини сахна кўзгусида бошқа кишиларнинг гавдасига монанд мутаносиб тарзда жилолантира олиши ва, ўрни келганда, буткул шоир ўрнида ўйлай олиши, узлуксиз фикрлай олиши керак.

Лессинг ҳам Дидро дуч келган муаммога дуч келади: қайси тоифадаги актёр афзал — ҳиссиётли актёрми ёки совуққон актёрми? Бу масалада Лессингнинг мулоҳазаси Дидронинг жавобига қараганда маърифатпарварлик реализми руҳига яқинроқдир. У – ҳиссиёт билан ақл-заковат уйғунлиги тарафдори. Унинг фикрича, бу икки жиҳатнинг қайси биринидир устун қўйиш ўринсиздир. У классицизмга хос совуққонликка ҳам, маиший изоҳвозликка ҳам чўчиб қарайди. Ақли расо актёр асарнинг у ёки бу лавҳасининг нималигини англабоқ, ўз-ўзидан ҳиссиёт таъсирига берилади.

Айни замонда Лессинг ҳам Дидро сингари «ҳиссиётли» актёрга ишончсизлик билан қарайди. «Ҳиссиёт қандайдир ботиний, ички нарса, бу ҳақда унинг ташқи кўриниши орқалигина фикр юритиш мумкин», дейди у. Демак, ҳис-туйғуни зоҳиран, сиртдан намоён этувчи актёр «бешавқ, совуққон бўлиши»дан қатъи назар, сахна учун биринчи тоифа актёрдан фойдалироқдир».

«Ҳақиқий санъат инсондан бошланиши керак,— дея хитоб қилди Лессинг, классицизм эстетикаси сарой тамойилларига асосланганлигини қайд этаркан,— сарой мутлақо шоир табиатини ўрганадиган жой эмас, саройнинг удуми, дабдабаси одамни машинага айлантириб қўйса шоир бу машиналарнигина одамга айлантириши керак».

Лессинг драматург сифатида барча жанрларда қалам тебратган. Унинг ҳар бир асарининг ўз оҳанги бор: «Ойимқиз Сара Сампсон» кўз ёш уйғотса, «Минна фон Барнхелм» кулдиради, руҳий ором бахш этади. «Емилия Голотти» кўнгилни мусибат оҳангига ғарқ қилади, «Донишманд Натан» чуқур ўйга толдиради.

«Минна фон Бамхелм ёки Сарбознинг бахти» (1767) Прусси — Саксония уруши тарихидан олинган асар бўлиб, унда Германиянинг миллий бирлиги, яхлитлиги муаммоси олға сурилган эди.

5. Фридрих Шиллер (1759-1805) буюк драматург, унинг «Макр ва муҳаббат», «Қароқчилар» трагедиялари ва уларнинг узбек театрида тутган ўрни.

Ёганн Кристофор Фридрих Шиллер Вюртемберг герсоглигининг Марбах шаҳрида зобит оиласида таваллуд топган. Ёшлигидан уни герсог Карл Евгенийнинг ёпиқ ҳарбий билим юртига ўқишга берадилар. Бу ер — ўқув масканини эмас, камоқхонани эслатарди. Талабалар ота-оналари билан ҳам назоратчининг кузатуви остида учрашардилар.

Шиллер ўзининг «қароқчилар» деб аталган биринчи песасини шу ерда 19—20 ёшида ёзган. Асар кўшни Мангем герсоглигида қўйилади (1781). Шиллерни бадий ижодга қўл урганликда айблаб, Карл Евгений авахтага ташлайди, жазодан қутилгач, у бир умрга Вюртембергдан чиқиб кетади. Таъқиб-таъйиқлар остида унинг кейинги «Макр ва муҳаббат» (1783), «Фийеско фитнаси» (1784) песалари яратилди.

Шиллер Лейпсиг, Дрезденда яшайди, умрининг сўнги даврини арда Гёте билан ижодий ҳамкорликда ўтказган. У тарихни ўрганишга берилади. Ийен дорилфунунининг профессори унвонига сазовор бўлади. Тарихий мавзуларда «Дон Карлос», ўттиз

Йиллик тарихдан «Валленштейн ҳақида трилогия. «Орлеан қизи», «Маня Стюарт» тарихий драмаларини яратади.

Қароқчилар» Шиллернинг биринчи асари бўлсада, ака-ука ва Франс Моор орасидаги тўқнашувни ёвузлик билан эзгулик орасидаги кураш тарзида умумлаштириш орқали умуминсоний идеаллар мадҳига айланган трагедия тарзида дунёга чиқди. Риёкор Франснинг иғволари туфайли Карл отасининг қарғишига учраб, меросдан муҳрум қилинади, сўнг қароқчилар сафига қўшилиб, бошлиғига айланади. Маърифатпарварлик руҳидаги ака-ука тўқнашувига асосланган асарларда ака-ука орасидаги можаро оила доирасида бошланиб шу ерда якунини топган бўлса, Шиллер бу можарони шекспирона усулда таҳлил этади. Бу ерда ака-ука орасидаги тўқнашув «Қирол Лир»дагидек кенг миқёсда кўздан кечирилган. Шиллер бу асарида образларга кенгроқ ижтимоий маъно беради. Франс, масалан очикдан-очик феодал тартиб ҳимоячиси тарзида кўринади; ўз мақсади йўлида энг ёвузона усулларни ишга солади. Вакил орқали: Карлни ўлди деб ишонтириш учун уни отасининг олдига йўллайди, жони чиқмаган отани, оиди деб сағанага обориб ташлатади, турли иғволар билан Карлнинг севгилиси Амалияга эгалик қилмоқчи бўлади.

Карл Моор адолатсиз кимсалардан қасос олиш учун қароқчиларга қўшилади. Лекин унинг шериклари давлатманд кишилар қатори камбағалларни ҳам талайди, болалар ва хотин-қизларни ҳам қиличдан ўтказди. Карл адолатни тиклаш ўрнига, аксинча адолатсизликни кучайтириб юборади. Буни мард, адолатпарвар Карл англайди, ўзини қонун ҳукмига топширишга мажбур бўлади. қароқчилар тўдаси Карл олдидагина бурчдор бўлмай, Карл ҳам тўда олдида бурчдор эди. Бу босқинчи каззоблар тўдасига Карлга хос бўлган олийжаноблик ёт эди. Карл ўз севгилиси Амалияни уларнинг қўз ўнгида чавоқлаб ўлдиради ва шу ҳисобига тўдадан ажрайди ва ўзини ҳам қонун жазосига маҳкум этади.

6-мавзу: XIX аср даври театри

РЕЖА

1. XIX аср романтизм даврига умумий характеристика
2. **Француз театри**
3. **Инглиз театри**
4. **Байрон (1788—1824)**

1. XIX аср романтизм даврига умумий характеристика. Романтизмнинг йирик намоёндалари, романтизм ҳақидаги назарий қарашлар романтик драммалари романтизм ижро услуби тасдиқ этилиши.

Оврўпо мамлакатлари ва АҚШ театри XIX асрда ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилади. 1789—1794-йиллар француз буржуа инқилоби туфайли иқтисодий-ижтимоий соҳада шундай ўзгаришлар бўй бердики, улар театр санъатини тубдан янгиланишга олиб келди.

Оврўпо театрининг фаолият тарзи XIX асрда буткул бошқача тусга кирди: ўша давр учун тармоғининг мудом кенгайишига олиб келди. Оврўпо мамлакатларида бўлганидек, АҚШда ҳам марказ ва вилоятларда кўпдан-кўп шахсий театрлар пайдо бўлди. Улар оммавий томошабинларга мўлжалланган имтиёзли театрлар Парижда хиёбон театрлари, Лондонда кичик театрлар) дан фаркланиб турарди. Демократик доиралар мафкураси маънавий ҳаётнинг бос ниарали таъсир кўрсата бошлади.

XIX асрнинг биринчи ярмида ижодиётда романтизм етакчи бадиий йўналиш бўлиб қолади. Шаклланиш босқичи шу даврга оид танқидий реализм услуби романтизм билан бақамти яшаб, XIX—XX асрлар бўсағасида драма ва сахна санъатининг асосий бадиий йўналишига айланади.

Романтизм дунёни англаш усули, ижодий услуб тарзида XVIII асрнинг охири — XIX асрнинг бошларида умуминқилобий кўтарилиш, ижтимоий ва миллий озодлик ҳаракатлари маҳсули сифатида шаклланди. Романтизм ўша даврнинг байроғига

айланди, бунга сабаб бу санъат орқали давр олға сурган инсоннинг шахсий эркинлиги, халқларнинг мустақиллик учун курашиш ғоялари идрок этилди.

Романтизм атамаси французча романтизме сўзидан олинган бўлиб, ишқий муносабатлар билан боғлиқ воқеа ва ёзишларни англатган. Романтизм театри - табиатан шоирона кечмишга, лирик. жўшқинликка асосланган санъат шу ҳолат мазкур санъатда аввал муҳимлашиб қўлган санъат қоидаларига зид тарзда «ҳис-туйғу устуворлиги» бош қоидага айланишини белгилаб берган. Романтиклар янги тарихий босқичда классицизмга қарши кураш очиб, бу оқимга хос ақл-идрок устуворлиги қоидасини йўққа чиқардилар. Улар воқеликни бадиий идрок этишда уни яхшилигу ёмонлик, улғуворлигу тубанлик уйғунлигидан иборат ранго-ранг ва ўзгарувчан нарса тарзида кўрсатиш учун курашдилар. Романтиклар санъатни янги марраларга олиб чиқиш омилларини халқ ижодидан топдилар. Халқ урф-одатлари, ривоят ва эртаклари, оммабоп демократик театр турлари янги руҳдаги драма турини яратишда уларга бебаҳо хазина бўлиб хизмат қилди. Шунингдек, улар Уйғониш даври санъати, чунончи, испан ва инглиз драматургияси ва, айниқса, ўзларининг эстетик идеаллари ифодачиси тарзида қабул қилинган Шекспир ижодидан баҳраманд боидилар.

1830-йилларга келганда романтик қаҳрамон сахнани буткул ўзиники қилиб олади; эътиборлиси шундаки, пьесса воқеаси қайси даврда ўтишидан қатъи назар, бу қаҳрамон зўрлик ва ҳақсизлик оламига қарши курашга кирган ўтюррак, беором «XIX асрнинг навқирон шунқон» тарзида намоён бўлади.

Француз театри

Франция XIX аср жаҳон театр маданияти тарихида алоҳида нуфузли ўринга эга. Француз буржуа инқилоби француз сарфати ривожига алоҳида таъсир кўрсатди. 1791-йили Таъсис мажлиси театр ҳақида алоҳида декрет қабул қилди. Бунга кўра француз театрлари орасида ҳукм суриб келган имтиёзли ва имтиёзсиз театр деган фарқлаш мақомлари бекор қилинди, кимки истиса, унга театр очиш ҳуқуқи берилди. Шунинг натижасида бир йил ичида Парижнинг ўзида ўн саккизта янги театр очилди.

Классицизм анъаналари бошқа мамлакатларга қараганда Францияда чуқур илдиз отган эди. Бу ҳол ғоявий маслагидан қатъи назар романтикларни ўзаро бирлашиб, шу оқим ақидаларига қарши курашга даъват этди.

XIX асрнинг ўрталарида Балзакнинг реалистик санъати юксак намуналар бера бошлайди. В. Гюго, А. Дюма (отаси), А. де Вини романтик драмаларининг театр амалиёти билан боғлиқлиги. 1820— 1830-йиллар Франция театр ҳаётининг муҳим ютуқларига айланди.

Инглиз театри

XIX асрнинг дастлабки ўн йилликлари давомида Англияда романтизм оқими кенг авж олади ва айна пайтда романтиклар орасида кескин бўлиниш ҳам рўй беради. Хаёлот тасвир мактабига зид ўлароқ Байрон ва Шеллинг инқилобий романтизми етакчи ўринга чиқади. 30-йилларнинг ярмига келганда Англия адабиётида танқидий реализм ривож топади.

Англияда актёрлик сарфати юқори даражада тараққий этгани ҳолда драматургия Диккенс ва Теккерсининг улуғвор романчилик ижодидан ортда қолди. Бу заминда XIX асрда буюк романтик актёр — эдмунд Кин йирик реалистик актёр Чарлз Макреди ва бошқа сахна усталари етишиб чиқдилар.

БАЙРОН (1788—1824)

Жўрж Гордон Байроннинг ижоди инсоний эркинлик ғояси билан суғорилган шоирона драма тарихида ҳал қилувчи босқичга айланди. Байрон муқимлашиб қолган ғояларга шубҳа билан қараб, арни доимо ўз тафаккури тафтишидан ўтказиб келган шоирдир. Бу драматургияда ҳам ўзини намоён қилган.

Байрон зодагон авлоди оиласида дунёга келиб, ёшлигини Шотландия қишлоқларида ўтказган. 17 ёшида тоғаси вафотидан кейин унинг мероси ва лорд унвонини олади, Кембриж университетида таҳсил кўради. Байрон Лордлик бурчини эл-юрт олдидаги, дунё тақдири олдидаги масъуллик маъносида қабул қилган эди. Лордлар палатасига кириб нутқ сўзлайди, тирикчилиги хароб аҳволга тушиб қолган тўқувчиларни ҳимоя қилиб чиқиди. У меҳнаткашларни «аҳолининг энг фойдали қисми» деб атайди, ва давлат бузруқворларини тартиб ўрната олмасликда айблайди.

Байрон дастлабки икки кўшиғи «Чайлд Гаролд» ва бошқа асарлари билан дойруғ таратгач, 1816-йили бир умрга ўз юртидан чиқиб кетади. У Швецария, Италияда яшайди, Юнонистонда вафот этади.

Байрон қаҳрамони фавқуллодда кўринувчи ва шу фавқуллодчилиги билан фахрланувчи қалифамондир. У одамларни севади, лекин айна пайтда улардан жирканади. Ҳа, у бошқаларда кўринган бадбинликни даҳшат ичида ўзида ҳам топа бошлайди. Шундай байроннамо ҳайбатлилик «Манфред» драматик поэмасида кенг намоён бўлган. Асар 1816-йили Швецарияда ёзилган.

«Манфред» «Гётенинг «Фауст» асари таъсирида ёзилган. Байрон немис тилини билмаганидан швецариялик бир дўсти унга Гёте асарининг бир қисмини таржима қилиб берган. Байрон Гёте асаридан, аввало, ундаги олам сирини очиш, тўсиқларни енгишга қодир руҳий қудратлилик ғоясини қабул қилади. Лекин «Манфред» асари

умидсизлик руҳидаги асар бўлиб чиқди. Байрон қаҳрамони олам ва инсоний қалб сирларини очиб, хилқат қудратини ўз измига олган ҳолалда кўринади. Лекин бу билан ўзига ҳам ўзгаларга ҳам наф келтирмайди; сабаби, Манфред наздида дунё қонуни — азоб-укубат чекиш қонуни бўлиб чиқади. Манфред жиноят йўли билан одам ва оламни англайди. Энди у шуларнинг унутилишини ўйлайди. Лекин бунинг асло иложи йўқ.

7-мавзу: XIX- XX асрлар театри.

РЕЖА:

1. XIX- XX асрлар бусагасида Ғарбий Оврупа театрига умумий характеристика
2. Бернард Шоу (1856-1950) XIX-XX аср танқидий реализмни йирик намоёндаси
3. Герхардт Гауптман (1862—1946)

XIX- XX асрлар бусагасида Ғарбий Оврупа театрига умумий характеристика. Драматургияда, сахна санъати ижросида натурализм ва реализм услуби символизм (рамзийлик).

XIX аср охири —XX аср бошларида Ғарбий Оврўпо театри ўз тарихининг мураккаб ва чигал даврларидан бирини бошдан кечирган. XIX асрда етакчи бўлиб келган романтизм ва реализм ўрнини янги, гоҳо бир-бирига буткул зид оқимлар эгаллайди.

Атоқли француз адиби ва театр назариячиси эмиль Золя илм-фанга яқин тарзда натурализм услубининг жорий этилиши ғояси билан майдонга чиқди. У сарфатқодарни воқеликка фаол аралаштишга, халқ ҳаётини акс эттиришга даъват этди.

Ибсен, Гауптман, Шоу, Ролланларнинг ижодида реализмнинг янги қирралари очилиб, бу оқим билан даврнинг бошқа услубий оқимлари орасида кўп томонлама боғиқлик аломатлари кўзга ташлана бошлади. Бу даврда М. Метерлинк ижоди мисолида символизм етакчи йўналишлардан бирига айланади.

Сахна санъат соҳасида «Мейнингенчилар театри», А. Антуаннинг «Еркин театр»и мисолида янги режиссорлик санъатига асос солинган бўлса, Сара Бернар, Муне-Сюлли (Франция), Э. Дузе, Т. Салвини (Италия), Ирвинг (Англия), И. Кайнс, С. Моисси (Германия) мисолида турли оқимларга мансуб актёрларнинг янги авлоди етишиб чиқди. XX асрнинг улкан сахна ислоҳчиси М. Рейнхардт Оврўпо режиссураси тараққиётининг янги даврини белгилаб берди. Бу санъаткорлар ўз миллий сахна санъати замирида камол топган саҳий истеъдодлари билан замондошларининг фахр-ғурурига айландилар.

Француз театри

Француз театри XIX ва XX асрлар оралиғи тарихидан шиддатли ғоявий дадлий изланишлар театри сифатида ўрин олди.

1870—1886-йиллари Оврўпо сарфатида етакчи йўналишга айланган натурализм услуби айнан Францияда ўзининг тугал такомилени топади. Э. Золянинг театрни демократлаштириш, драматургияни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ҳақидаги эстетик қарашлари бутун Оврўпо миқёсида хайрихоҳлик билан қабул қилинади.

Эмил Золя (1840—1902)

Золянинг адабиёт ва театр ҳақидаги фикр-мулоҳазалари замонавий ҳаётни бўямай, беэмоция, унинг дарду қувончларини борлиғича кўрсатишга қодир жамият тараққиётининг янги босқичига монанд янги санъат яратиш ғояси билан суғорилган. Золянинг «Тажрибавий роман» (1880), «Бизнинг драматургларимиз» (1881), «Театрда натурализм» (1881) каби мақолалари натурализмнинг асосий дастурий рисоалари бўлиб, уларда француз драматик театрининг аҳволи кенг ёритилади, аввало, репертуарни янгилаш муаммоси олға сурилади. Золя такрорланавериб, сийқаланиб кетган усуллар билан олди-қочди «сахнабоп» пьесалардан воз кечишга чақирди. «Дарриа илмий услубга асосланиши лозим», яъни «бирор инсон ёки инсонлар гуруҳи тарихи олиниб, уларнинг саъй-ҳаракати чинакамига тасвирланиши лозим». «Бундай асарларнинг кучи кузатувнинг аниқлиги, қаҳилнинг теранлиги, воқеаларнинг мантиқан ўзаро боғлиқлиги» билан белгиланади.

Золя дастурининг халқчиллиги унинг халқ ҳаётини акс эттирувчи халқ драмаси ҳақидаги фикр-мулоҳазаларида ҳам ўз аксини топган эди. Золя натуралистик драма пайдо бўлса, у театр тизимини буткул ўзгартиришга олиб келади, деб ҳисоблади; агар пьесада айна ҳаёт парчаси қад кўтаргудек бўлса, бу ўз-ўзидан театр томошавийлигига урғу берувчи замонавий спектакл туридан воз кечишга олиб келади. Ҳаётни ўрганувчи ва иложи борида уни оддийлиғича кўрсатувчи актёрни у энг ибратли актёр деб тушунди.

Золя театрни тубдан қайта қуриш дастурини ишлаб чиқаркан, режиссура масаласини алоҳида масала тарзида кўздан кечирмаган. Ҳолбуки «у кўзда тутган театр — бу драматург театригина эмас, аввало, режиссор театридир.

«Тереза Ракен» (1873) Золянинг энг йирик пьесаси ҳисобланади. Унда муаллиф ҳаётни аниқ ва ҳаққоний тасвир этишнинг «умумий натуралистик усули»ни белгилашга ҳаракат қилди. Пьесада бир -баржуа оиласининг сўниқ ҳаёт тарзи бутун ички икир-чикирларигача қамраб олинган ҳолда тасвир кўзгусидан ўтказилади Тереза Ракеннинг ўз эрининг дўстига ишқи тушиб қолиши билан диккинафас бу оила ҳаётида потртлаш

юз беради: телбанамо севги жазаясида Тереза ва Лоран Терезанинг эри Камилни ўлдирадилар. Ошиқлар қилғилиикни қиладилару, виждон азобида қоладилар. Ҳар қадамда уларни марҳумнинг арвоҳи изма-из қувиб, қасос олаётгандек бўлаверади. Пьесада ўлдириш воқеаси, сўнг ошиқларнинг рухий хасталикка учраб, васвасага тушишлари, сўнг ҳалокатлари бирма-бир ва муттасил равишда тасвирланади.

Бернард Шоу (1856-1950) XIX-XX аср танқидий реализмни йирик намоёндаси, унинг тафаккур драмасини яратиш йўлидаги изланишлари.

XIX аср охири XX аср бўсағасида инглиз драмаси ва театрида реализм ҳамда символизмдан иборат икки бадиий йўналиш етакчи ўрин тутди. Биринчиси, яъни реализм Б. Шоу ва Ж. Голсуорси драматургиси ҳамда «Мустақил театр» ва Эллен Терри, Генри Ирвинг каби атоқли ижодкорлар фаолиятида намоён бўлди. Символизм тамойиллари режиссор Гордон Крсг спектаклларида кўзга ташланди.

XIX—XX асрлар чегараси ва XX асрнинг дастлабки ўн йилликларида инглиз театри кўп жиҳатдан Бернард Шоунинг ижодий мероси таъсири остида ривожланди. Шоунинг бадиий ва ижтимоий фаолияти ўта кўламдорлиги билан кўзга ташланган эди. У мусиқа ва театр танқидчилиги соҳасидгги кўпдан-кўп мақолалари, публицистикаси билан кенг танилган эди.

Шоу Дублинда таваллуд топди, унинг болалик, ўсмирлик йиллари ҳам шу ерда ўтган. «Англия Ирландияни забт этди, менга Англияни забт этишдан ўзга нима ҳам қолган эди», деб ёзди киноя билан Лондонга йўл оларкан.

Бернард Шоу Ғарб драматургиясида буткул янгича тасвир усули, яъни парадокс (зид фикр) ифода усулига асосланганлиги драма турини яратди ва шу билан тафаккур театрининг шаклланишига асос солди. Драматург томошабинлар онгини тарбиялашни бош вазифа деб билиб, замондошларини ақл-идрокли бўлишга чорлади. Уларни ҳаётини ижтимоий қонунларини англашга, буржуача ахлоққа нисбатан мурасиз бўлишга ундади. Айни пайтда у инсоният ақл-идрокининг оламни ўзгартиришдаги чексиз қуч-қудратига қомил ишонч билан қаради.

Немис театри. Бертольт Брехт – немис театри реформатори. 1920 йилларда биринчи жаҳон урушининг акси ўлароқ экспрессионизм услубини шаклланиши. Брехтнинг «Эпик театр» назарияси. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг немис драматургиясида «Ҳужжатли драма» турини пайдо бўлиши, Питер Вайс ва унинг «Тергов» пьесаси. Бертольт Брехт (1898-1956) атоқли драматург, режиссёр, «эпик театр» таълимотининг асосчиси; Брехт драматургиясини театр таъсир кучини ошириш орқали томошабин фаоллигини ошириш асосига қурилганлиги. «Тунги барабан ҳайқириғи» (1922), «У аскар нима-ю, бу аскар нима» (1926) илк пьесаларида инсоннинг

рухий табиатини тадқиқ этилиши. «Уч мирилик опера» (1928) ва унда «эпик театр» эстетик тамойилларини изоҳланиши. «Онайзор Кураж ва унинг болалари» (1939) эпик драма турининг намунавий асари сифатида. «Сезуанналик саҳий одам» (1940) пьесасининг шоирона-фалсафий моҳияти. «Уқдириш усули» орқали томашабинни воқеа кузатувчисидан тафтичисига айлантириш орқали унинг идрокига таъсир кўрсатиш ва фаоллигини ошириш «эпик театр»нинг туб талаби экани. Брехт таълимотини Шарқ театр анъалари билан боғлиқлиги ва ундан қўлланиш бўйича ўзбек театрида олиб борилган изланишлар. Урушдан сўнгги немис драматургиясида хужжатли драма жанрини кенг ривожланиши.

Немис санъати XIX асрнинг сўнгги чорагида Оврўпода кенг тарқалган натурализм, символизм, импрессионизм йўналишларида ривожланади. Драматургия айниқса кенг раванқ топади.

Герхардт Гауптман драматургияси XIX асрнинг охири XX аср бошларида ўз аҳамиятига кўра жаҳон миқёсида йирик воқеликка айланди. Браматургия равнақи миллий театрнинг гуллаб-яшнаши учун замин туғдириб берди. Айнан Германияда янги театр тури — режиссорлик театри ўзининг илк натижаларини кўрсата бошлайди. «Мейнинген театри», Макс Рейнхардтнинг режиссорлик фаолияти шундай ходисалардан эди.

Герхардт Гауптман (1862—1946)

Герхардт Гауптман икки аси оралиғида санъат оламида пайдо бўган турли йўналишларга дахлдор, фавқулодда кўп қиррали ижод соҳиби сифатида майдонга чиқди. Гауптман дастлаб натурализм, сўнг символизм ва неоромантизм йўналишларини ўтиб, охири қатиян реалистик ижод йўлини танлаб олди.

Гауптман «Тонг олдида» (1889) деган биринчи пьесасидаёқ ўзини ашаддий натуралис сифатида кўрсатади. Пьеса аввалида асосий ҳисобланган ижтимоий нобоплик мавзуси охири четга сурилиб, унинг ўрнини ирсий хасталик муаммоси эгаллайди: ичкиликбозлик, бадхулқлик балойи тақдир ҳукмига айланади, Краузе хонадонини барбод этади.

«Ғариблар» (1890) асарида қаҳрамонларнинг фожиали тақдири ирсият билан эмас, балки жароҳатли муҳит билан белгиланган. Ёш олим Фокерат уйига кутилмаганда меҳмон бўлиб келган сюрихлик талаба Аннани севиб қолади. У бир ёқдан қизнинг мафтункорона латофатидан қалби ўртанса, иккинчи ёқдан хотини Кете олдидаги масъуллик ҳиссидан эзилади, Фокерат кўнгил изми билан яшовчи, маънавий

комил киши бўлгани ҳолда қафияцизлигидан Анна кетиши билан ўзини ўзи бошқаролмай нобуд бўлади.

Ёлғизлик фақат Фокератанинг қисмати эмас, Аннани ҳам ёлғизлик азоби эзди; у Фокерат билан учрашгач, оддий аёл бўлиб бахтли яшаш нақадар афзал эканини англайди.

8-мавзу: Рус театри

РЕЖА:

1. Рус театри манбалари.
2. XIX асрнинг бошларида рус театри.
3. М.Горкий драматургияси.

Рус театри манбалари. Рус театри кадимий тарихга эга. Унинг илдизлари кадимий рус урф- одатлари, кадимий уйинлар, байрамларидан бошланган. Ов жараёнларини қайта тасвирлашган. Баҳорда экин экиш, кузда ҳосил йигиш байрамларидан бошланган. Хороводлар рақсга тушиш, эртақ айтиш, кушиқ айтиш, мусика асбобларда куйларни ижро этиш билан барчани эътиборини тортган рус биринчи артистлари скоморохлари эди. Улар хайвонларни ҳам уйнатишар эди. Бундай сахначаларни биринчи халк театри спектакллари деб аташа бўлади.

Сарой театри. 1672 йилда 17 октябрда саройда шох Алексей Михайлович даврида профессионал театрининг биринчи спектакли намоиш этилади. Сарой театрининг ташкилотчиси немис черков пастори Иоганн Григорий ташкил қилиш шох боярларидан бири Артамон Матвеевдан чиққан эди. Спектакллардан курсатиш учун Москва яқинидаги Преображенский кишлоғида махсус бино қурилади. Кейинчалик театр спектакллари томошаларини Москвага Кремелнинг биносига қучиришди. Бу сарой театри 1676 йилгача ишлаб турди. Чет эл актёрларидан ташқари унинг актёрлари руслари неҳчанлар болалари вამ айда хизматчилари болалари эди. Аслида спектаклда шох ва уннинг яқинлари қатнашишлари мумкин эди. Сарой театри XVII-асрлар рус театри санъатида қатта роль уйнайди.

Рус класстизми А.П.Сумароков. Ф.Г.Волков ва унинг труппаси. XVII-XVIII аср халк театри ва поффессионал театрлар бир вақтнинг узида мавжудлиги. XVIII-асрнинг 50- йилларида доимий ишлаб турган профессионал театрларига талаб қатта бўлади. Қупчилик аҳолига ҳатто Сарой аҳлига ҳам. Бу вақтда А.П.Сумароковнинг рус миллий драматургияси мавжуд эди. 1756 йили миллий рус театрини барпо этилиши ҳақида қарор қабул қилинган эди. Бу театр директори А.П.Сумароков эди. Лекин асосий ролни бу театрда театр намоёнчаси Ф.Г.Волков (1729-1763) бажарарди. Волков

биринчи рус профессионал театри спектакллари классицизмнинг бутун талабларига жавоб берарди. Трагедия кахрамонлари факатгина бой- задагонлар эди. Оддий халк эса хизматкор ролида эди. 1756 йилда рус профессионал театри ташкил топди. В.Г.Билинский Ф.Г.Волковни рус театрини отаси деб номлаган. Волковда улкан актёрлик қобилияти бўлиб у уйнаган кахрамонлар юқори ҳиссиётли эди. Ташкилотчилик қобилияти кучли бўлиб Екатерина II даврида бўлиб утадиган маскарадларни бош ташкилотчиси эди.

XIX асрнинг бошларида рус театри. XIX асрнинг бошлари- бу рус халқининг Напалеон армияси кахрамонона кураши устидан қозонган кахрамонликлари билан боғлиқдир. Рус сахнасида қўш муваффақият билан Ватан учун курашган, Ватан учун курашган кахрамонлар образи сахнада яратилган томошабинлар томонидан қизгин олқишланар эди. Буни Пушкин юқори баҳолаган. Бу давр актёрлар ижроси эски шартли уйин услубини тугатиб, янги давр театрига йўл очиб берган. XIX аср биринчи чорагида рус театр санъатига декабристлар ижоди қатта аҳамиятга эга. Улар сиёсий эркинликни рус театр санъатининг ривожига жуда зарур деб ҳисоблашган. Декабристлар театрдан ҳаётни ҳақиқий тасвирлашни қрипасной ҳуқуқларини енгиллаштиришни юқори гражданлик гоёларини ташвиқот- ташғибот қилиш ва эркинликни севишни талаб қилганлар

Пушкин ва театр. Театр эстетикаси саволига жавобни Пушкин уйлаб топган. У рус театрига ҳақиқий халқчиллик принципларини ишлаб чиқди. Бу давр талабига жавоб ҳақиқий асарлар улуг ижодкорлар асарлари А.С.Грибоедовнинг «Ақиллийлик балоси» ва А.С.Пушкиннинг «Барис Гадунов» трагедияси эди. Реалист драматург А.С.Пушкин ва А.С.Грибоедов эди.

М.Ю.Лермонтов ижоди. Драматургияда- романтизм Лермонтов ижодида қатта урин эгаллаган, бу унинг «Испанлар», «Маскарад» асарларда қўрилган. Романтизм- фавкулотдаги ҳолатдаги, фавкулотдаги вақоеани буртириброк қўрсатиш характеридир. Бу дегани характерларни ёркин намоён бўлиши яъни қўтаринқилик ҳиссиёт, қайфият, эҳтирослари кучли бўлади.

Н.В.Гоголь драматургияси ва театр. 1836- йилда Н.В.Гогольнинг «Ревизор» асари пастановкаси рус сахнаси учун қатта аҳамиятга эга эди. Биринчи марта театр бундай утки рва мардлик билан ҳаётга аралашди. Бу даврда анча қийинчиликлар билан А.С.Грибоедов, А.С.Пушкин, М.Ю. Лермонтов асарлари сахна юзини қўради.

Актёрлик санъати. Малўй театр. Александр театри. 1824- йилда Москвада малўй театр очилади. 1832- йилда Петербургда Александр театри ишга қўшади. Бу икки театр рус театри маданиятини аслида қўйдевори қамони эди. Театр рус ҳаётини марқазий

диккатига айланди. Актёрлик санъати машхур сахна актёри П.С.Мачалов эди. Унинг Шекспир драгедияларида Шиллер драмаларида яратган образлари томошабинларни ларзага келтирди. У яратган Ричард III- уз максоди йулида хеч нарсадан тонмайдиган образлардан бири эди. П.С.Мачалов ижодининг чуққаси Гамлет роли эди. Яна бир аристократ томошабинларнинг севимли трагик актёри Петербургнинг Александр театри актёри Каратиген эди. XIX аср сахна санъатининг ислохатчиларидан эди. Сахна санъатини хақиқатини тасдиқлаганлиги А.С.Грибаедов, А.С.Пушкин, М.Ю. Лермонтов, Н.В.Гоголларнинг ижоди ва В.Г.Билинский ва Герциннинг танкидий мақолалари эди. Малўй театрида буюк, машхур рус актёри М.С.Хепкин ижод килди. М.С.Хепкин сахна реализм- асосчисидир. М.С.Хепкин реалист актёр. Реализм- хаётий хақиқатдир. М.Н.Ермолова романтик актриса. У малўй театрда ижод этган актриса Вл.И. Немирович- Данченко ёзишича «М.Н.Ермолова- у рус сахна санъатида рус озодлик байрогини олиб борган озодлик куйловчиси эди.»

А.Н.Островский ижоди. А.Н.Островский реалист драматургдир. Биринчи даври 1861 йилгача булган ижоди маърифатпарвалик даври- уқимишли булиш даври. Иккинчи даври сатирик методида ижод килди. Ижтимоий тузумни танкид қилиш. А.Н.Островский ижодини иккинчи даври.

А.П.Чехов драматургияси. А.П.Чеховнинг «Чайка» асари олдин Александр театрида қуйилган эди. А.П.Чеховга бу спектакл ёқмади. Вл.И.Немирович-Данченконинг кистови билан МХАТ га А.П.Чеховнинг «Чайка» асари қуйилиши таклиф қилинди. Бу асар биринчи марта мувофақиятли қуйилди. Шунинг учун МХАТ театрининг имбелемаси чайка булди. Бу дегани бизнинг йулимиз шу дегани. Шундан кейин А.П.Чеховнинг бошқа асарлари ҳам МХАТ театри сахнасида сахналаштирилди.

М.Горкий драматургияси. Нижний Новгородда 1903-1904 йилларда М.Горкий ташаббуси билан театр халқ уйи ёнида ташкил топди. Театр ижодкорлари энг аввало театр халқни маърифатпарварликка- уқимишли булишга қуриб чиқилган. Нижнўй Новгороддаги театрга етакчилик қилган Н.Н. Соболев- Самарин театр спектакл томошаларини Соромовада ишчилар учун текинга уюштирди. Булар репертуарида: «Олчазор», «Тубанликда», «Билм самараси», «Гамлет» асарларидан иборат эди. 1928 йилгача бу театр ижоди нашриётда жуда юкори баҳоланган.

Москва бадий театри. МХАТни ташкил топиши. МХАТ 1898 йилда ташкил топди. Москва бадий театри ташкил этишда К.С.Станиславский билан Вл.И.Немирович-Данченконинг хиссаси катта. Булар бир шаҳарда яшаса ҳам бир-бирини қурмаган. К.С.Станиславский Вл.И.Немирович-Данченкога хат ёзиб муҳим масала юзасида учрашишни дават этган. Вл.И.Немирович-Данченко рози бўлиб

Славянский ресторанида учрашишган ва роппа- росса 18 соат гаплашишган. К.С.Станиславский ва Вл.И.Немирович-Данченко узининг алохида труппаси бор эди. Кейин бу икки труппаси бирлашиб МХАТ театрининг асосий узагини ташкил килди.

К.С.Станиславский хаёти ва ижоди. К.С.Станиславский (1863-1938йил)- буюк театр реформатри, актёр, режиссёр, театр ташкилотчиси, назариётчиси ва педагог. Узининг сахнавий ижодини успиринлигида 5 сентябр 1877 йилда бошлаган эди. унда у Костя Аликсеев эди. (бу унинг узининг фамилияси эди, Станиславский деган тахаллусни 1885 йилда олган) К.С.Станиславский системаси кечинма санъатга боглик булиб у олий сузламокни негизи сахнавий реализм хисобланган.

МХАТ ва Б.Вахтангов ижоди. Б.Вахтанговнинг бир канча студиялари булган. Уз студиянинг маъноси- янгилик изловчилар дегани. Б.Вахтангов шу ерда курс оладида ижобий изланишда, ижодий хакикатдан кура бадий хакикатдан хаётий хакикатга эътибор берди (узбек 1-2 студиялари). Б.Вахтангов «Маликаий Турандот» асарини сахналаштирган. К.С.Станиславский Б.Вахтанговга «Биз анчадан буён бадий изланишни сиз кичка вақт ичида топибсиз- бу бирнчи бадий хакикат эди» (куринимли маконли томоша, майдонли томоша, очик жойдаги томоша) унда халкни узи хам иштирок этади. Хаёт билан сахнани уйгунлаштиради. Б.Вахтангов (1883-1922) 3- студияга рахбарлик килган театр ва Б.Вахтангов номи билан аталди. 4- студия бу МХАТ.

20- йилларда янги театрлар академик ва хаваскорлик театрлари. МХАТ нинг 1- студияси 20 йилларда ташкил топган. 2- студияси 1924 йилда ташкил топган. 1920 йилларда барча театрлар академик номини ола бошлашди. Бу дегани узини мустахкам ижодий лабораториясига эга булган. Бошка театрларга намуна була оладиган театрлар. Шу жумладан МХТ энди МХАТ булди.

30- йилларда классик асарларни сахналаштириш. 30- йилларда меҳнат мавзуси муҳим аҳамиятга эга булди бунда Н.Пагодиннинг Афенагеновларнинг хизмати катта булди. Н.Пагодиннинг «Болта» хакида поэма Афенагеновнинг «Қурқув» асари эди. 1933 йилда Таиров театрида оптемистик трагедия куйилди. 1930 йилда Горкий асарларига эътибор берилди. Малўй театрда 1938 йилда А.С. Грибоедовнинг «Ақллилик балоси» асари сахналаштирилди. Буда бош ролда Садовский эди. МХАТ да Лев Толстойнинг асарларига купрок эътибор берилди. МХАТда «Анна Каренина», «Трилиш» асари куйилди. Бунда Качалов уйнади. 30-йилларда В.Шекспир асарларига алохида эътибор берилди. «Отелло» малўй театрда куйилди. Бош ролни Остужев уйнади. Революция театрида «Ромео Жулетта» куйилди.

Театр санъати уруш ва урушдан кейинги йилларида. Уруш йилларида кахрамонлик муҳим аҳамият касб этди. Корнейчукнинг «Фронт», А.Симоновнинг «Рус кишилари», Ионовнинг «Хужум» асарлари сахналаштирилди.

Театр санъати 50-70- йилларда янги театр (МХАТ ва Современник театрлари). МДХТ театрларида Янги ижодий юксалиш бошланди. Бил - Билацерковскийнинг Шторм асари куйилди. Ленинграддаги БДТ театри Товстаногов номи билан денёга машхур булиб кетди. Ана унда замондошлар образини чуқур изланиш, лиризм ва эпикни омухталиги муҳим аҳамият касб этди. Романтизм- жанри ҳам Янги изланиш йулига утди. Энди ёш театрлар хакида В.Розовнинг «Шодлик ишлаб», «Яхши соатда» асарлари режиссёр А.Эфрос раҳбарлигида мувофаккият қозонди яна бу йилларда МХАТ ни Вл.И.Немирович- Данченко бошчилигидаги студияси янги тарих варагини бошлаб берди. У «Современник» деб номланиб Олег Ефремов бошчилик қилди. Таганкадаги таэтрга Любимов бошчилик қилди. Хукинскийдаги училеҳида. Таганкадаги таэтрга Б.Вахтангов билан Вс.Э.Мейерхольд биргаликда ижод қилишди. Брехтнинг «Сезондан келган олий жаноб киши» асари хал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Буларда чуқур (психологик) реализм методи акс этди.

60- йиллардаги театрдаги муҳим воқеа Алёшкиннинг «Хама нарсаси инсонга қолади» асари ката шов- шувга сабаб бўлди. Бунда Черкасов бош ролда академик Дронов, Арбузовни «Иркутск воқеаси» ундаги бош роль Валя катта шов- шувга сабаб бўлди. Маяковский ва Вахтангов театрларида куйилди.

Театр санъатида замонавий драматургия. Бу даврда меҳнат мавзуси замондошлар ҳаётида муҳим касб этди. Бунга мисол Бокаревнинг «Стрелевари» бу дегани «Пулат қуйувчилар» бўла олд

9-мавзу: Ўзбек театри

РЕЖА:

1. Ўзбек театри санъатини илк даври.
2. Темурийлар даврида ўзбек миллий санъати
3. Ҳ.Ҳ.Ниёзий ва ўзбек театри.
4. Ўзбек театри XX асрнинг 60-80 йилларда.

Ўзбек театри санъатини илк даври. Театр хакида умумий тушунча. Театр санъатининг бошқа санъат турларидан фарқи. Театр жанрлари. Театр санъатининг қўп

шакллилиги, унинг турлари ва жанрларининг фарқ қилиши ўзбек миллий театри мисолида.

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг 2001-йил 30-августда Тошкент шаҳрида Ўзбек давлат академик драма театри янги биносининг очилиши маросимида сўзлаган нутқи.

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Муҳтарам санъаткорлар!

Қадрли меҳмонлар!

Аввало, барчангизни бугунги унутилмас кун — азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ушбу ажойиб санъат саройи — Ўзбек давлат академик драма театримизнинг янги биноси очилиши муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Хурматли биродарлар!

Бугун юртимиздаги энг улуғ ва энг азиз байрам арафасида мана шу бетакрор, муҳташам, замонавий театр кошонаси санъат муҳлислари учун ўз эшиklarини очаётгани ғоят қувончлидир.

Бундай гўзал саройнинг тақдимот маросимида иштирок этишнинг ўзи ҳар қандай одамни ҳам қувонтириб, унинг кўнглига хуш кайфият, ёруғлик бағишлайди, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрга қўшиласиз. Ўзингиз биласиз, ўзбекистон раҳбари сифатида менинг кўп-кўп халқаро миқёсдаги катта анжуманларда, маҳобати билан кўзни камаштирадиган саройларда, императорлар, кирол ва подшоҳларнинг қасрларида, бугунги замоннинг энг чиройли, бой ва ҳашаматли биноларида бўлишимга, у жойларда нутқ сўзлашимга, мулоқотларда иштирок этишимга тўғри келади.

Лекин мен мана шу дақиқаларда қалбимдан бир ҳаяжон кечираётганимни сизларга очиқ айтишим керак.

Бу ҳаяжоннинг сабаби шундаки, ўзбек маданиятининг кўзгуси бўлган мана шу академик театримиз саҳнасида Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Абдор Ҳидоят, Шукур Бурҳонов, Олим Ҳўжаев, Сора Эшонтўраева, Наби Раҳимов, Обид Жалилов, Зайнаб Садриева, Тошхўжа Ҳўжаев, Александр Гинзбург, Ғани Аъзамов сингари не-не буюк санъат намоёндаларининг қутлуғ излари қолган, овозлари янграган, уларнинг ўлмас руҳи бугун ҳам шу даргоҳда кезиб юрибди.

Неча йиллар давомида ўзининг беқиёс санъати ва маҳорати, классик асарларнинг бетакрор ижроси билан бу театр нафақат миллий санъатимиз муҳлисларини, балки дунёдаги манамаман деган театрларнинг машҳур режиссор ва актёрларини, инсонни ўйлантирадиган мураккаб саволларга театр ибрати орқали жавоб топишини истайман.

Сизлар ўзбек театр санъатимизнинг энг яхши анъаналарини асраб-авайлаб, ривожлантириб, келажак авлодларга етказасиз, миллий ва умумбашарий қадриятларни тараннум этувчи етук асарларингиз билан халқимиз маданиятини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшасиз, деб ишонаман.

Барчангизга тилагим шуки, сизлар сахнада бетакрор образлар яратиб, халқимиз меҳрига сазовор бўлишдан чарчаманг, бизга эса ажойиб маҳоратингизга қойил қолиб, санъатингизни олқишлаб, сизларга мана шундай ҳурмат-эҳтиром, иззат-икром кўрсатиб юриш насиб этаверсин.

Ҳаёт ҳақида, инсон умрининг маъно-мазмунини ҳақида театр ихлосмандлари билан қизгин ва жонли мулоқотингиз давом этадиган, юртимиз, миллатимиз доврўғини тараннум қиладиган бу муаззам ижод маскани аввало сизларга, барча санъаткорларимизга буюрсин, эзгулик ва гўзалликни юксак қадрлайдиган томошабинларга, бутун халқимизга муборак бўлсин.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу маданиват қасрини бунёд этган қўли гул қурувчиларимизга, меъмору муҳандисларимизга, бу олийжаноб ишда қатнашган барча юртдошларимизга ўз номидан, бутун санъат мухлислари номидан самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Мана шу унутилмас дақиқаларда барчангизни Ватанимиз истиқлолининг 10 йиллик қутлуғ тўйи билан яна бир бор табриклайман.

Сизларга янги-янги ижодий ютуқлар, сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга бахту саодат тилайман. Илҳомифлғиз, истеъдодингиз янада зиёда бўлсин, ҳамиша мухлисларингиз, халқимиз ардоғида бўлинг.

Қадимги ўзбек театрининг репертуари ва характери. Тарихий шароит ва маданий муҳит. Қадимги ўзбек театрининг репертуари ва характери. Ўзбек актёрлик санъатини ўзига хос хусусиятлари ва унинг бадиий маҳорат даражаси. Ўзбек театрининг ғоявий эстетик асослари.

Ўзбек театр санъатида ўзбек актёрлик санъатининг ўзига хос хусусиятлари. Ўзбек кўшиқчилари, яллагчилари, созандалари ва ўйинчилари ҳамда актёрлари ҳақида.

4 - мавзу. Темурийлар даврида ўзбек миллий санъати. Амир Темур ва Темурий шохлар даврида Марказий Осиёда маданият, илм-фан, маърифат гуллаб яшнаган. Ўзбек миллий театрининг негизи қадимий байрамлар, қизиқчилик, кўғирчоқбозлик, театрлашган томошалар, маросимлар, майдон намойишлари, анъанавий театр рақс санъати ҳамда цирк ўйинлари ҳақида.

5 - мавзу. Ўзбек миллий анъанавий томошалари, намоёишлари, миллий маданий мероснинг муҳим бир тури сифатида қараб, келажакда ундан унумли фойдаланганликлари ҳақида.

6 - мавзу. XVII-XIX аср бошларида ўзбек театри. Бухоро хонлиги театр санъати, Хоразм хонлиги театр санъати, Қўқон хонлиги театр санъати, ҳамда ўша даврнинг ва хонликлардаги актёрлик санъати ҳақида.

7 - мавзу. Туркистонда рус театри фаолияти. Россия томонидан Ўрта Осиёни босиб олиниши, рус ва янги озарбайжон, янги татар театрларини Туркистонга кириб келиши ва ўша ерли зиёлилар орасида ушбу санъатга қизиқишнинг кучайиши.

8 - мавзу. Туркистонда театр биноларини қурилиши, рус театрини янги ўзбек театрига таъсири. Туркистон ҳудудида халқ анъанавий томошаларнинг аҳволи ва янги ўзбек театрининг тарғиботчилари эканлиги тўғрисида. Аҳмад Дониш, Фуркат.

9 - мавзу. Оврўпа усулидаги театрнинг Туркистонга кириб келиши ва унинг ҳозирги замон ўзбек миллий театр шаклланишига таъсири. Туркистонда рус, озарбайжон, татар, арман театр алоқаларини бошланиши ва унинг янги ўзбек театри барпо топишидаги ўрни.

10 – мавзу. Ўзбек театр ва драматургиясининг дастлабки қадами. Ўзбек театр сахнасида ўзбек ёзма драматургиясининг вужудга келиши ва сахна юзини кўриши, ҳамда дастлабки қадамлари.

11- мавзу. Тошкентда «Турон» труппасининг очилиши ва унинг янги ўзбек театрининг шаклланиши. Биринчи ўзбек миллий театр труппаси Турон театрининг ташкил топиши 1913 йилнинг охирида. Труппа раҳбари Абдулла Авлоний ва унинг фаолияти. Турон труппасининг низоми ва унинг давлат адлия идоралари томонидан тасдиқланиши ҳамда унинг ўлка театрчилик ҳаракатларидаги ўрни. 1914-18 йилларда турон театрининг фаолияти ва репертуари. 1916 йилдан эътиборан труппага Маннон Уйғур кириб келиши.

12 – мавзу. Ўзбек театр танқидчилигини бошланиши ва янги ўзбек театрининг шаклланиши. Янги ўзбек театри сахнасида 1914 йилнинг 27 феввалида М.Бехбудийнинг «Падаркуш» асари «Колизей» театри биносида қўйилади. Спектаклни Али Асқар Асқаров сахналаштиради. 1914 йил Нусратилла Қудратиллонинг «Тўй» пьесасини кўрсатилиши «Истанбул», «Бадбахт келин», «Бахтсиз куёв», «Захарли ҳаёт» ва бошқа пьесаларнинг сахналаштирилиши. Спектакль режиссёрлари ва актёрлари.

13 – мавзу. Ўзбекистонда жадидлар ҳаракати ва ўзбек миллий театри. Жадидларнинг Туркистон матбуоти саҳифасида янги ўзбек театрини тарғиб этишлари, М.Бехбудий «Падаркуш» (1911), Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний

«Адвокатлик осонми?» (1914), Нусратилла Қудратилло «Тўй» (1914), Хожи Муъин Шукрулло «Эски мактаб янги мактаб», «Мазлума хотин», «Кўкнори» (1916), Абдулло Қодирий «Бахтсиз кўёв» (1914), Ҳамза «Захарли ҳаёт» (1915) пьесалари.

Маҳмудхўжа Бехбудий Самарқанд яқинидаги Бахшиёна қишлоғида руҳоний оиласида туғилган. Аввал у эски мактабда, сўнг мадрасада таҳсил кўради ва XX асрнинг бошларидан жўшқин маърифатпарвар сифатида кўрина бошлайди. Янги усулдаги мактаблар очади, дарсликлар яратади, газета ва журналлар чоп этириб, ўзга халқлар илғор тажрибаларини ўзлаштириш, замонавий билимни эгаллаш ҳақида кўплаб мақолалар эълон қилади.

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг миллий ғоя, эркинлик идеалларини тарғиб этишда энг оммабоп ҳисобланмиш миллий театр санъатини барпо этиш дастури билан майдонга чиқиши айниқса катта аҳамиятга эга бўлди. У ўзи ношир ва муҳаррир бўлган «Ойна» журнали орқали театр санъатини узлуксиз равишда тарғиб этади. «Театр надур?», «Туркистонда биринчи миллий театр», «Театр, мусиқа, шеър» каби мақолалари билан Ўзбекистонда театр танқидчилигини бошлаб берганлардан бири бўлди. Унинг ташаббуси ва даъвати билан Нусратилло Қудратулло, Хожи Муин Шукрулло, Абдулла Бадрий каби ёш адиблар драматургияга кириб келадилар. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ўзи эса «Падаркуш ёхуд ўқимаган боланинг холи» (1911) пьесасини яратиш билан кўплаб ёш зиёлиларга намуна кўрсатди.

У зулм ва жаҳолатга қарши аёвсиз кураш олиб борди. 1919-йили эркинлик душманлари кўлида ваҳшийларча ўлдирилди.

Маҳмудхўжа Бехбудий театр ҳақида

Театр — ибратномадур... Ҳеч кимни риоя қилмасдан тўғри сўзлагувчи ва очиқ ҳақиқатни билдирувчидир... Умумий одатларни нафи ва зараридан пайдо бўлатурғон натижаларни театрхонада айнан кўрсатурларки, ҳар ким мундан таъсирланиб, ёмон одатларни тарк этиб, яхшиликни зиёда ишламоққа сабаб бўлур... теътр хоналари масхарабозхона бўлмай, балки ибратхонадур, мушаххис-актёр муаллими ахлоқдурлар.

М.Бехбудийнинг «Падаркуш» биринчи ўзбек ёзма асари ва уни саҳналаштириш. Биринчи Самарқандда сўнг Тошкентда, Қўқон, Каттакўрғон, Бухоро, Андижон, Наманган шаҳарларида саҳналаштирилган. «Падаркуш» пьесаси аввало миллий драматургия ва янги театр санъатининг илк намунаси бўлса, иккинчидан ўша шаҳарларда нисбатан мунтазам ва муваффаққат театр ташкил топиши. Ўзбек ёзма миллий драматургиянинг шитобланиши. «Падаркуш» асари Туркистон воқелигининг XX аср 10-йилларидаги буюк маданий ва ижтимоий воқеаларидан бўлиб қолиши.

«Турон» театр труппаси – биринчи ўзбек профессионал театр жамояси ва унинг низоми. Биринчи ўзбек миллий театр труппаси – «Турон» театри 1913 йилнинг охирида Тошкентда Турон оқартув жамияти қошида ҳаваскорлар труппаси ташкил топиши. Труппа раҳбари Абдулла Авлоний ва унинг фаолияти. «Турон» труппасининг низоми ва унинг давлат адлия идоралари томонидан тасдиқланиши, ҳамда унинг ўлка театрчилик ҳаракатларидаги ўрни. 1914-1918 йиллар орасида Турон театри фаолияти ва репертуари. Спектакль режиссёрлари ва актёрлар. Турон труппаси 1918 йил 3 ноябрда Давлат театри сифатида очилиши. 1918-1920 йиллар орасида театр репертуари. Турон театр труппасининг 1918-1924 йиллар орасида ҳаваскорликдан миллий профессионал Давлат театри даражасига кўтарилиши, ҳамда Туркистонда театр санъатининг етакчи кучига айланиши.

Озарбайжон ва татар театрларининг Туркистондаги ижодий сафарлари ва уларнинг ўзбек миллий театрлари шаклланишидаги ўрни. Озарбайжон, турк, татар, ҳамда рус театри драматургияси, ижодий сафарлари ўзбек театрининг шаклланишида бош омил бўлиб хизмат қилади. Ўзбек театрининг ривожидида 1915-1916 йиллар саҳналаштирилган қатор таржима асарлари катта ижобий аҳамият касб этган. Айниқса, бу масалада озарбайжон драматургияси муҳим роль ўйнайди.

Ҳ.Ҳ.Ниёзий ва ўзбек театри. Ҳ.Ҳ.Ниёзий ва ўзбек миллий театри. Ҳ.Ҳ.Ниёзийнинг маърифатчилик борасидаги фаолияти, унинг драматургиядаги ижодий фаолияти ва театр соҳасидаги ҳаракатлари. «Бой ила хизматчи», «Захарли ҳаёт», «Майсаранинг иши» асарлари.

Маннон Уйғур биринчи ўзбек профессионал режиссёри. Маннон Уйғур ўзбек саҳна санъатини камол топиши йўлида серқирра фаолияти. Маннон Уйғур ва Турон труппасида профессионал жараёнининг шаклланиши а) миллий репертуарни яратиш учун кураш йўлида театрнинг ижодий лабораторияга айланиши; Маннон Уйғур 20 йилдан эътиборан театр репертуарида катта ҳажмдаги томошабинни жалб этувчи спектакллариининг кўпайиши; б) Маннон Уйғур ва труппада замонавий режиссурани вужудга келиши; в) актёр талқин санъати; труппада Маннон Уйғур бошлиқ барча актёрларнинг труппани етакчи ижрочиларига айланиши.

1917-20 йиллар театр ўлка мусиқали драмматик труппаси Фарғона водийси, Бухоро, Хоразм театри. Карл Маркс номли театр. Ўлка «Намуна» театри. Ўзбек I-II театр студиялари Москвада, Бакуда. Турон, Намуна 1924 йилдан Ўзбек Давлат сайёр труппаси номи билан иш юритган республика театри. Унинг саҳна усталари Москва, Бакудан қайтган Ўзбек Давлат драмматик труппаси номи билан қайта ташкил топиши.

Қайта ташкил топган театр репертуарини Ревизор, Хасис, Маликаи Турандот, Ёркиной сингари спектакллар билан бойиши.

Ўзбек миллий театри XX асрнинг 20-30 йилларида. 20 йилларнинг охири ва 30 йилларнинг бошларидан эътиборан адабиёт ва санъатда шўро воқеалигини синфий кураш, синфий ва партиявий хушёрлик, мамлакатни саноатлаштириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш нуқтаи назаридан ёритишни асосий талаб қилиб қўйилишини ўткирлашуви. Пьесаларда ўтмиш ва бугунги ҳаёт муаммоларининг баҳси.

Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат драма театри, ҳозирги Ўзбек миллий академик драма театри. Ҳамза номидаги театрни ўзбек драматургияси ўзбек жонли адабий тилининг марказига айланганлиги хусусида.

30 йилларнинг бошларидан эътиборан давлат театр тизимларининг қайта ташкил этилиши. Марказий давлат театрлари: Ҳамза номидаги ўзбек давлат драма театри (1933 йилдан эътиборан академик драма театри), Ўзбек давлат мусиқали театри (1939 йилдан эътиборан ўзбек давлат опера ва балет театри), М.Горький номидаги рус давлат драма театри, республика ёш томошабинлар театри, республика ўзбек давлат кўғирчоқ театри (1939). Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали драма ва комедия театри (1939-40 йиллар).

Ўзбекистонда опера ва балет театрларини шаклланиши ва ривожланиши. Ушбу мураккаб санъат турларини асослари, уларнинг ижодий фаолиятлари, маданий ҳаётимиздаги ўрни ҳақида ўзбек операси ва балети ривожланиши ҳақида. М.Қори Ёқубов, Ҳ.Носирова, С.Ярашов, К.Зокиров, М.Раззоқова, Г.Измаилова, Б.Қориева, Г.Ҳамраева – ўзбек миллий опера ва балет санъати дарғалари.

Ўзбекистонда болалар ва ёшлар театри ва бошқа миллат театрлари. Асосан 1 - Турон театри сахнасида драма, мусиқали театр, болалар театри шаклланининг шаклланиши ва 1928-1930 йиллар оралиғида давлат драма, ўзбек давлат мусиқали театр ва ўзбек давлат болалар театрга ажралиб ривожланишига юз тутиши.

Вилоят театрлари ўзбек миллий театрларининг ажралмас қисми. 20 йилларда Ўзбекистонда театр санъатининг фаол шаклланиши муносабати билан 30 йилларнинг бошларидан эътиборан вилоят театрларини қайта ташкил этиш, тур ва жанрларини аниқлаш жараёни, Фарғона водийси, Андижон, Фарғона, Наманган, Кўқон, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхандарё, Хоразм, Қорақалпоғистон театри.

Ўзбек театри иккинчи жаҳон уруши йилларида (1945-41 йиллар). Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши, ҳамма нарса фронт учун шиори ва Ватан ҳимояси муаммоларини адабиёт ва санъатнинг бош мавзусига айланиши. Мавзунинг икки жиҳати: фронт, фронт орти ҳаёти. Ҳар бир халқ тарихининг ёрқин саҳифалари –

босқинчиларга қарши, юрт мустақиллиги, озодлиги курашда жон фидо этган ёрқин тарихий сиймоларни намунали бадиий образини яратиш санъатни, жумладан театрнинг этакчи вазифаси қилиб белгиланиши.

Улуғ Ватан урушидан кейинги йилларда ўзбек театри. Москва, Петербург ва Украина театрлари турли мусика ва турли санъат муассасаларининг Ўзбекистонга кўчириб келтирилиши ва театрларнинг ижодий ҳамкорлиги. Биринчи навбатда санъат ташкилотлари, шу жумладан, театрлар фаолиятини уруш шароитига мослаштириш юзасидан кўтарилган чоралар: театрларни ўз сахнасида томошалар кўрсатишдан ташқари, муайян ташкилотлар завод, фабрика, харбий касалхона, колхоз жамоаларига бириктирилиши: театр концерт уюшмаларининг фронт сафарлари.

Ўзбек сахнасида жаҳон мумтоз драматургияси асарлари. Ҳамза номли театр ва мумтоз жаҳон драматургияси, унинг таржима санъати ва сахна талқини юзасидан олиб борган тажрибаларининг якунлари. Лопе де Веганинг Қўзибулоқ қишлоғи (1931), К.Гальдонининг Мусофирхона бекаси (1934), В.Шекспирнинг Ҳамлет (1935), Ф.Шиллернинг Макр ва мухаббат (1936), А.Островский Момақалдиروق (1938) пьесаларининг постановкалари.

Ўзбек театри XX асрнинг 60-80 йилларда. 50-йилларнинг охири, 60 йилларнинг бошларидан эътиборан замон ва замондош мулоқати, ҳар бир инсоннинг ўзига хос табиати, ички оламини холис ифода этишга ўзбек драматургияси ва театрларида майилнинг имкон қадар кучайиши. Мазкур истак ва интилишнинг ҳам замонавий, ҳам тарихий мавзуда ёзилган янги миллий асарлар билан театрлар репертуарига киритилган таржима асарларда ҳам очик кўриниши. Тарихий мавзу, халқ достони ҳақрамонларига нисбатан чеклаш ва ман этишларни намоиши.

Миллий мустақиллик йилларида ўзбек театри. Ўзбекистоннинг миллий мустақил давлат мақомида эълон қилиниши ва ижтимоий, маънавий, маданий ҳаётда туб ўзгаришларнинг содир бўлиши. Узоқ ўтмиш ва шўролар даври ўзбек халқи тарихи, маданияти, урф-одат ва анъаналари миллий кадриятларини идрок этиш ва баҳолашда юзага келган янгича мезонлар. Миллий мустақиллик ва истиқлол даврининг адабиёт ва санъат олдига қўйган долзарб вазифалари. Ўзбек миллий давлатчилиқ тарихи. Хоразмшоҳлар ва Темурийлар салтани: Сохибқирон Амир Темур, Мирзо Бобур, Хусайн Байқаро, Жалолиддин Мангуберди, Мирзо Улуғбек сингари буюк миллат вакиллари. Илм маърифат ва исломиятнинг Исмоил ал Бухорий, Ҳаким ат Термизий, Аҳмад Яссавий, Ал-Фарғоний каби сиймолар ҳаёти ва фаолиятини бадиий қиёфасини холисона ёритиш.

Ҳозирги ўзбек драматурглари.

Мустақилликнинг илк давридан эътиборан Ўзбекистон драматурглари ва театрларини ўтмиш кадриятларини хусусан, ўзбек миллий давлатчилиги ва унинг буюк намоёндалари образларини адолат назари билан гавдалантиришига қизиқишларининг кучайиши. Замонавий мавзуни драматургия ва сахнада акс эттиришда муҳим муаммолар, давр қаҳрамонлари қиёфаларини таърифлаш мезонларини аниқлаб олишдаги қийинчиликлар. Республика театрларида тарихий ва замонавий мавзудаги асарларни истиқлол шарофати билан қайтадан ижро этиш жараёни. Барча ўзбек етук драматурглар асарлари билан танишиш.

Ўзбек сахна санъати дарғалари

М.Уйғур, А.Ҳидоят, О.Хўжаев, Ш.Бурхонов, С.Эшонтўраева, Л.Саримсоқова, С.Хўжаев ба бошқаларнинг ҳаёти ва ижоди.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. «Ўзбекистон». 1992.
2. И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. Т. «Ўзбекистон». 1998.
3. И.А.Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. Т. «Ўзбекистон». 1998.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. Т. «Ўзбекистон». 1997.
5. С.Турсунбоев. Хорижий театр тарихи. Ўқув қўлланма. Т.: ЎМКХТМ, «Турон-Иқбол» нашриёти. 2005 йил.
6. Ш.Минаваров. Театр-тарбия маскани. Т. «Ўқитувчи». 1997.
7. Х.Абдусаматов. Театр танқид кўзгусида. Т. «Фан». 1993.
8. Ўзбек энциклопедияси. 1-том. Тошкент. 1971.
9. Истиқлол имкониятларидан оқилоа фойдаланайлик. «Халқ сўзи» газетаси. 1995 йил, 1 декабрь.
10. Б.Н.Асеева профессора А.Г. Образцовой
11. Русский драматический театр М., «Просвещение» 1976
12. Детская Энциклопедия 12 Искусство М. «Педагогика» 1977й.
11. М. Раҳмонов. Ҳамза ва ўзбек театри. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1959
12. Театр им. Хамзў. Узгосиздат. Ташкент, 1957
13. А. Корсакова. Узбекский оперный театр, Узгосиздат, Ташкент, 1961

14. А. Жабборов. Мусикий драма ва комедия жанрлари Ўзбекистон композиторларининг ижодида. Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 2000
15. Ш. Ризаев. Жадид драмаси. «Шарк», Тошкент, 1997
16. Э. Исмоилов. Маннон Уйғур: Ижод манбалари, ўзбек театри асосчиси, режиссёрлик маҳорати, камолат сари. Тошкент, 1983
17. Т. Баяндиев Каракалпакский театр имени Станиславского. «Фан», Тошкент, 1971г
18. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. «Ўқитувчи», Тошкент, 1999
19. Тоир Исломов. Тарих ва сахна. «Гафур Гулом» номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1998
20. М.Т. Туляходжаева, Т.Н.Юлдашев «Узбекская драматургия на сцене театра (50-60-е год)». «Фан», Ташкент, 1990
21. М. Туляходжаева. Режиссура узбекского драматического театра, Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1995
22. И.А. Мухтаров Теар и классика. Издательство литературў и исскуство имени Гафура Гуляма, Ташкент, 1988
23. И.А. Мухтаров. Театр и его актерў, «Фан», Ташкент, 1989
24. 15. М.А. Ҳамидова. Узбекская музыкальная драма, издательство литературў и исскуства имени Гафура Гуламя, Ташкент, 1987
25. М.А. Ҳамидова. Актерское искусство узбекской музыкальной драмў. «Фан», Ташкент, 1987
26. Т. Баяндиев. Замира Ҳидоятова, Тошкент. 1973
27. Т. Баяндиев. Мария Кузнецова. Тошкент. 1965
28. С. Абдулаева. Турсунхон Жаъфарова. Тошкент. 1965
29. Л. Авдеева. Сора Эшонтўраева. Тошкент. 1960
30. Ф. Жўраев. Обид Жалилов. Тошкент. 1968
31. М. Раҳмонов. Т.Сильмилштейн. Шукур Бурхонов. Тошкент. 1974
32. Я. Фельдман. Олим Хўжаев. Тошкент. 1962
33. М. Файзираҳмонова. Зайнаб Садриева. Тошкент. 1977
34. Б. Насриддинов. Хуршид ҳаёти ва ижоди ҳақида. Монографик очерк. Тошкент. 1975
35. Қ. Хўжаев. Саҳнага йўл. Тошкент. 1980
36. Қ. Хўжаев. Монолог об актерской жизни. Ташкент. 1980
37. Н. Захидова. Тошходжа Ходжаев. Тошкент. 1980

38. А. Саидов. Ҳалима Носирова. Тошкент. 1974
39. М. Алиев. Лутфихоним Саримсокова. Тошкент. 1971
40. Б. Насриддинов. Ҳалима Носирова. Тошкент. 1983
41. О. Ризаев. Наби Раҳимов. Тошкент. 1997

Талабалар мустақил иш мазмуни ва ҳажми.

№	Бўлим ва мавзулари	Вазифалар ва тавсиялар	Бажариш муддати	Ҳажми соатда
1.	Антик давр	Ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш	1- ҳафта	2
2	Уйғониш даври	Ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш	2- ҳафта	2
3	Рус театри	Ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш	3- ҳафта	2
4	Ўзбек театри	Ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш	4- ҳафта	2
	жами :			8

Театр тарихи фанидан тест саволлари

1-вариант

1. Махмудхўжа Бехбудийнинг “Падаркуш” пьесаси қачон ёзилган?
 *А) 1914
 Б) 1915
 С) 1916
2. Биринчи ўзбек ижодий жамоасининг номи нима?
 А) туркистон
 *Б) турон
 С) Машъал
3. Турон группасининг низомида театрнинг бош мақсади нечта?
 *А) 2
 Б) 4
 С) 7
4. “Ҳалима” асари кимнинг қаламига мансуб?
 А) Ғофур Ғулом
 Б) Абдурауф Фитрат

*С) Ғулом Зафарий

5. Президентимиз И.А.Каримов Ўзбек Давлат академик дарама театрининг очилиш маросимида қачон нутқ сўзлаган?

А) 2007 йил 20 август

Б) 2002 йил 30 август

*С) 2001 йил 30 август

6. “Хамлет”, “Отелло” асарининг муаллифи ким?

*А) Шекспир

Б) Жонатан Свифт

С) А.Б. тўғри

7. Юнон театр тарихи қачон гуллаб-яшнаган?

А) IV асрда

Б) VI асрда

*С) V асрда

8. Рим театри қайси театрдан кейин пайдо бўли?

*А) Эсаж

Б) Юнон

С) Турк

9. Қачон ижод қилган кунгина драматурглар ҳам антик суюжет ва образлардан баракали фойдаланганлар?

А) XX аср

*Б) XIX аср

С) IX аср

10. Қачон Оврўпа саҳналарида антик драмалар мунтазам равишда кўрсатилган?

*А) XIX-XX аср

Б) XVI-XX аср

С) XIX-XXI аср

11. “Фожелар театри” ким томонидан ташкил этилган?

А) Пушкин

*Б) Ю.Юрев

С) Толстой

12. Қачон Хамза номли ўзбек академик театрида яратилган “Шох Эдип” қўйилган?

А) 1967 йил

Б) 1968 йил

*С) 1969 йил

13. Трагедия қайси сўздан олинган?

А) лотин

Б) инглиз

*С) юнон

14. Трагедия сўзини маъноси.

*А) эчки қўшиғи

Б) ғоз қўшиғи

С) марсия

15. Дионис шаънига айтилган қишлоқ байрамларида масхарабознинг исми?

А) Диос

*Б) Комос

С) Нилос

16. Атика комедияси қачон вужудга келган?

*А) V аср

Б) VI аср

С) VII аср

17. Классик давр қайси асрларни ўз ичига олади?

А) V-VII

Б) VII-X

*С) V-VI

18. Эллинизм даврини Аниқланг.

А) VI-III

*Б) IV-II

С) II-I

19. Қадимий театри трагедия, комедия, жанрини ривожланиши билан боғлиқ?

А) Рим

*Б) Юнонистон

С) Миср

20. Аския даврини аниқланг.

А) 555-666

Б) 526-457

*С) 526-456

21. Арситофон даврини аниқланг.

*А) 446-385

Б) 448-391

С) 440-350

22. Аристотел даврини аниқланг.

*А) 384-322

Б) 374-312

С) 333-300

23. Мемандр даврини аниқланг.

А) 433-291

*Б) 343-291

С) 344-281

24. Антик маданиятни турон заминига тарқалишига сабаб бўлган шахс?

А) Аристотел

Б) Афлотун

*С) Искандар

25. Республика даврини аниқланг.

- *А) II-I
- Б) III-II
- С) IV-II

26. Империя даврини аниқланг.

- *А) I-V
- Б) II-Vi
- С) V-VII

27. Рим тетри қайринг таъсирида ривожланди?

- А) Миср
- Б) Қоҳира
- *С) Юнон

28. Плавт даврини аниқланг.

- *А) 254-184
- Б) 255-185
- С) 266-175

29. Сенекак даврини аниқланг.

- А) 3-64
- *Б) 4-65
- С) 5-75

30. Қачон Римда биринчи театр қурилган?

- *А) 55 йил
- Б) 66 йил
- С) 77 йил

31. Рим империяси қачон қулаган?

- А) IV аср
- *Б) V аср
- С) VI аср

32. Реннесанс маъноси нима?

- *А) уйғониш
- Б) кўчиш
- С) кулаш

33. Реннесанс даври театри қаерда шаклланган?

- А) Юнонистон
- Б) Миср
- *С) Италия

34. Уильям Шекспир даври

- *А) 1564-1616
- Б) 1565-1617
- С) 1566-1616

35. Ким даврида реннесанс даври камолот чўққисига кўтарилди?

- А) Андерсон

- *Б) Шекспир
- С) Афлотун

36. Лопе де Русда даврини аниқланг.

- *А) 1510-1565
- Б) 1511-1610
- С) 1510-1569

2-варинат

1. Италияда миллий театрнинг асосчиси ким?

- *А) Лопе де Русда
- Б) Шекспир
- С) Арасту

2. “Дон кихот”нинг муаллифи ким?

- А) Лопе де Русда
- Б) Сипион
- *С) Сервантес

3. Сервантес Сааверда даврини аниқланг.

- А) 1548-1617
- *Б) 1547-1616
- С) 1548-1619

4. “Нумансия” ким ёзган?

- *А) Сервантес
- Б) Сипион
- С) Шекспир

5. Нумансия” пьесаси қачон ёзилган?

- А) 1587 й
- *Б) 1588 й
- С) 1589 й

6. Испан театрининг гуллаган босқичи кимни ижоди билан боғлиқ?

- *А) Лопе де Вега
- Б) шекспир
- С) Сипион

7. Лопе де Вега даврини аниқланг.

- А) 1652-1633
- *Б) 1562-1635
- С) 1566-1630

8. Лопе де Вега ёзган асарларининг нечтаси сақланиб қолган?

- *А) 500
- Б) 400
- С) 200

9. Шекспир қаерда туғилган?

- А) Италия

- Б) Рим
- *С) Англия

10. Жан Батист Мольер даврини аниқланг.

- *А) 1622-1673
- Б) 1623-1674
- С) 1620-1670

11. Қачон марказлашган Франция монархияси шаклланди?

- А) XV-XVI
- *Б) XVI-XVII
- С) XV-XX

12. Людовик XIII даврининг Аниқлинг.

- *А) 1610-1643
- Б) 1611-1644
- С) 1611-1655

13. Людовик XIV ҳукмронлик даврини Аниқланг.

- *А) 1643-1715
- Б) 1644-1716
- С) 1642-1714

14. “Шоирлик санъати” шеърий рисоласини нечанчи йилда ёзилган?

- А) 1670
- *Б) 1674
- С) 1675

15. Француз олий комедиясининг асосчиси ким?

- *А) Мольер
- Б) Спион
- С) Вега

16. Қачон у мольер таҳаллусини олган?

- А) 1644 й
- *Б) 1643 й
- С) 1640 й

17. Мольер қачон Лувр саройида ишлаган?

- *А) 1658 й
- Б) 1657 й
- С) 1655 й

18. Мольер қачон Пале-Роял театрида ўз ишини давом эттиради?

- А) 1671 й
- *Б) 1661 й
- С) 1681 й

19. “Севги моҳароси” комедиясининг муаллифи ким?

- *А) Мольер
- Б) Вега
- С) Шекспир

20. “Севга можасиро” қачон ёзилган?

- А) 1657 й
- Б) 1677 й
- *С) 1656 й

21. “Кулгули таннозлар” кимнинг қаламига мансуб?

- *А) Мольер
- Б) Шекспир
- С) Вега

22. “Аёлларга сабоқ” асари қачон ёзилган?

- А) 1671 й
- *Б) 1662 й
- С) 1674 й

23. Фридрих Шиллер даврини аниқланг.

- *А) 1759-1805 й
- Б) 1760-1806 й
- С) 1759-1800 й

24. Қачон санъатнинг кейинги ривожланиш босқичи маърифатпарварлар реализми деб юритилганлар?

- А) XV аср
- Б) XVI аср
- *С) XVIII аср

25. Қачон инглиз буржуа инқилоби туфайли инглиз театри тарихида янги давр бошланди?

- А) 1677-1689 йй
- *Б) 1688-1689 йй
- С) 1666-1688 йй

26. Маърифатпарварлик театрига хос театр жанрлари дастлаб қаерда шаклланган?

- А) Белгия
- Б) Югославия
- *С) Англия

27. “Сентиментал” маъноси?

- А) хазина
- Б) хазон
- *С) хазил

28. “Сентиментал” жанрининг бош мақсади нима?

- А) ёвузликка етаклаш
- *Б) яхшиликка етаклаш
- С) қахрамонлик кўрсатиш

29. Қачон буржуа трагедияси пайдо бўлган?

- А) 720 й
- Б) 725 й
- *С) 730 й

30. Қачон мешчан драмаси пайдо бўлган?

*А) 730 й

Б) 740 й

С) 780 й

31. Жорж миллонинг яшаган йилини аниқланг.

А) 1690-1730 йй

*Б) 1693-1739 йй

С) 1683-1729 йй

32. “Лондон савдогарлари” қиссаси муаллифи ким?

*А) Жорж лилло

Б) Шиллер

С) Шекспир

33. “Жорж Барнвел” қиссаси қачон ёзилган?

А) 1730 й

*Б) 1731 й

С) 1780 й

34. Баллада операси қайси жанрга киради?

*А) пародия

Б) трагедия

С) баллада

35. “Букенгемнинг” пьесаси қачон ёзилган?

А) 1651 й

*Б) 1671 й

С) 1661 й

36. Генри Филдинг йилини аниқланг.

А) 1606-1754 йй

Б) 1701-1454 йй

*С) 1707-1754 йй

3-вариант

1. «Эдип» пьесасининг муаллифи Ким?

А) Волтер

Б) Шекспир

С) Жўн Гей

2. «Бир тун хатолари» асарининг муаллифи Ким?

А) Оливер

Б) Волтер

С) Шекспир

3. Волтер кимнинг асарига қизиққан?

А) Жўн Гкй

Б) Войген

С) Шекспир

4. Волтер нечта драматик асар яратган?
А) 52
Б) 54
С) 58
5. Волтер нечта трагедик асар яратган?
А) 20
Б) 10
С) 30
6. «Хитойлик етим», «Скифлар» кимнинг асарлари?
А) Волтер
Б) Шекспир
С) Оливер
7. Карло Гоццининг яшаган йилини аниқланг?
А) 1710-1800 йй
Б) 1715-1802 йй
С) 1720-1806 йй
8. Карло Гоцци қайси давлат драматурглари?
А) Рим
Б) Италия
С) Англия
9. 1707-1793 йилларда яшаган драматурни номини аниқланг.
А) Карло Гольдони
Б) Карло Гоцци
С) Шекспир
10. Қерда адабий драмага асосланган театр яратилган?
А) Янглия
Б) Италия
С) Германия
11. дел арте комедиясининг маъноси нима?
А) ниқоблар комедияси
Б) яширин ниқоб
С) оқ ниқоб
12. Карло Голдони қерлик бўлган?
А) Италия
Б) Англия
С) Венеция
13. Қачон Голдони театр труппасига пеъсалар ёза бошлаган?
А) 1734 й
Б) 1735 й
С) 1740 й
14. Ким ўз комедияларини «жамоа комедияси» деб номлаган?

- А) Шекспир
- Б) Волтер
- С) Голдони

15. «Қахвахона». «Янги уй» пьесалар муаллифи ким?

- А) Голдони
- Б) Вега
- С) Волтер

16. Иоганн Фольфганг Гете қаернинг драматурги?

- А) Англия
- Б) Германия
- С) Италия

17. «Фауст» трагедияси муаллифи ким?

- А) Фолтер
- Б) Шекспир
- С) Гете

18. Эфраим Иссингнинг яшаган йилларини топинг.

- А) 1709-1781 йй
- Б) 1710-1780 йй
- С) 1709-1800 йй

19. Лессинг қачон Гамбург миллий театрида ишлай бошлаган?

- А) 1760-1761 йй
- Б) 1767-1768 йй
- С) 1761-1869 йй

20. «Гамбург драматургияси» китобини ёзган шахс Ким?

- А) Лессинг
- Б) Волтер
- С) Гете

21. «Мина фон Барнхелм» асари қачон ёзилган?

- А) 1787 й
- Б) 1792 й
- С) 1767 й

22. Фридрих Шилерни яшаган йилларини аниқланг.

- А) 1759-1806 йй
- Б) 1769-1800 йй
- С) 1755-1801 йй

23. «Қароқчилар» пьесасининг муаллифи ким?

- А) Волтер
- Б) Шиллер
- С) Шекспир

24. «Марк ва мухаббат» пьесаси қачон ёзилган?

- А) 1780 й
- Б) 1781 й

С) 1783 й

25. «Фийеско фитнаси» муаллифи ким?

А) Шиллер

Б) Фолтер

С) Гёте

26. Байроннинг яшаган йилларини аниқланг.

А) 1789-1821 йй

Б) 1788-1824 йй

С) 1780-1820 йй

27. Қачон Парижда 18 янги театр очилди?

А) 1791 й

Б) 1781 й

С) 1751 й

28. Франция театр ҳаётининг муҳим ютуқларига айланган санани аниқланг.

А) 1810-1820 йй

Б) 1820-1830 йй

С) 1830-1840 йй

29. Қачон Англияда романтизм оқими кенг ривожланди?

А) XVI аср

Б) XX аср

С) XIX аср

30. Байроннинг йилини аниқланг.

А) 1788-1824 йй

Б) 1772-1820 йй

С) 1766-1899 йй

31. «Мендоред» асарининг муаллифи ким?

А) Волтер

Б) Гёте

С) Байрон

32. Бернард Шоунинг йилини аниқланг.

А) 1856-1946

Б) 1857-1951

С) 1867-1990

33. Герхард Гаоптманни йилини аниқланг.

А) 1862-1946 йй

Б) 1852-1944 йй

С) 1871-1947 йй

34. «Симоланизм» сўзининг маъноси.

А) фахр

Б) рамзийлик

С) нишон

35. Эркин театри асосида Янги режиссёрликка асос солган шахс ким?

- А) Гета
- Б) Бернард
- С) Антуан

36. Француз театри қачон ривожланган?

- А) XIX-XX асрлар
- Б) X-XV асрлар
- С) XXI аср

Театр тарихи фанидан ёзма иш ўтказиш вариантлари

1-вариант

- 31. Қадимги юнон театри қандай вужудга келди, театрон, оркестра, зкена нима ва улардан қандай мақсадда қўлланилган?
- 32. Эсхил трагедиянинг «отаси» экани унинг «Занжирбанд Прометей» трагедиясида Прометейнинг жафокашлиги, инсонпарварлиги унинг қайси хатти-ҳаракатларида намоён бўлган?
- 33. Софоклнинг ислохотлари туфайли қадимги юнон трагедияси қандай янги сахнавийлик сифатларига эга бўлди?

2-вариант

- 1. Еврипид томонидан одамлар «қандай бўлса шу тарзда кўрсатилиши» нимани англатади?
- 2. Медея нега ўз фарзандларининг қотилига айланди?
- 3. Еврипиднинг "Ифигения Авлфиада» асарларидаги гўзал фазилатли аёллар образлари ҳақи данима дея оласиз?

3-вариант

- 1. Аристофан комедияларининг ижтимоий-сиёсий ўткирлиги («Суворийлар», «Булут») ҳақида нима дея оласиз?
- 2. Унинг қайси асарларида
- 3. Пелопоннес уруши қораланиб, тинчлик учун кураш оёяси ол\а сурилган?

4-вариант

- 1. Аристотелча трагедия нима?
- 2. Хатти-ҳаракат биртиги деганда нима тушунилади?
- 3. Трагедия қаҳрамони нега бадхулқли эмас, хушхулқли ва саодатманд бўлиши керак?

5-вариант

- 1. Қадимги юнон драматургияси асарларининг сахнавий тарихи ҳақида нима дея оласиз?

2. Софоклнинг қайси –асарлари ўзбек театрида қўйилган?
3. Буюк - Ш. Бурҳонов ва С.Эшонтўраевалар қайси антик трагедияда қайси роллари билан шуҳрат қозондилар?

6-вариант

1. Эллинизм даври юнон театри классик давр юнон театридан нимаси билан фарқ қилади?
2. Янги аттика комедияси (Менандр асарлари мисолида) да ҳаётнинг қайси жиҳатларига қизиқиш кучайди?
3. Рим театри юнон театрининг қандай манбаларига асосланди ва у сахна санъати ривожига қандай янгиликлар билан хисса қўшди?

7-вариант

1. Рим комедиясининг ривожланиши. Нега рим комедиянавислари учун Аристсыйн эмас, балки янги аттика комедияси (Менандр) асарлари намуна бўлиб хизмат қилди?
2. "Мақтанчоқ жангчи» асар; таҳлили асосида Плав! комедияларига хос халқчиллик оҳангини изоҳлаб беринг.
3. Нега Сенека айна нунон фожеа сюжетлари, айниқса еврипид асарлари сюжетидан фойдаланган?

8-вариант

1. Нега Сенека трагедияларида қонли воқеалар, қаҳрамонларнинг шафқатсизлиги («Медея») бўрттириб кўрсатилган?
2. Юнонистонда мўътабар, савобли деб ҳисобланган актёрлик касби нега қадимги Римда уятли, таҳқирли касб деб ҳисобланган?
3. Қайси Рим актёрларининг номи бизгача етиб келган?

9-вариант

1. Ёзувчи Ойбек. Рим драматургиясидан қайси драматург пьесаларини ўзбек тилига таржима қилган?
2. Уйғониш даври италян театри Оврупо театрига қандай янгиликлар олиб кирди?
3. Макиавелли ва унинг «Мандрагола» сатирик комедияси ҳақида нима дея оласиз?

10-вариант

1. Комедия дел арте театри Оврупаннинг бошқа театрларига хос бўлмаган қандай хусусиятиарга эга эди?

2. Бу театрнинг бошқа мамлакатлар комедияси ривожига таъсир кўрсатганини нималар билан изоҳланади?
3. К. Готдони нега бу театрни ислох қилди?
- 4.

Ўзлаштириш назорати

1. “Театр тарихи” фани бўйича талабалар билимини баҳолаш мезонлари

Жорий баҳолаш(ЖБ)

Талаба амалий машғулотлардарежадаги мавзулар асосида турли хил ёзма ишлар ва мустақил ишларни бажаради. Мустақил таълим жараёнида бўлса, амалий машғулотлардаги топшириқ ишларни якунлайди. Бунда талаба ҳар жорий баҳолаш машғулотида қуйидагича балл тўплаши мумкин:

- ўқув интизоми _____ 20% балл;
- фаоллик ва бажарилган топшириқнинг сифати _____ 30% балл;
- назарий билимдонлик _____ 50% балл.
- жами: _____ 100% балл.

Талабаларни жорий баҳолаш ҳар бир амалий ишини якунлаб топширилгандан кейин амалий иши натижалари асосида амалга оширилади. Ҳар бир бажарилган иши 1,5 баллгача баҳоланади. қайдномага умумлаштириб баллар йиғиндиси қўйилади. Амалий машғулотишларини якунланиши натижалари асосида талабаларнинг мустақил ишларини баҳолаш амалга оширилади. Бунда ҳар бир бажариб ўқитувчига топширилган амалий иши учун 1,5 баллгача берилади. қайдномага умумлаштириб баллар йиғиндиси қўйилади.

Оралик баҳолаш(ОБ)

Маъруза машғулотлари асосида ОБ ўтказилади. ОБ тест тарзида ўтказилади, бунда тестлар сони 36 тадан кам бўлмаган миқдорда олинади. Икки марота ОБ ўтказилади ва ҳар бири 20 баллгача баҳоланади.

Якуний баҳолаш(ЯБ)

Талаба жорий(ЖБ) ва оралик баҳолаш(ОБ) босқичларида тўплаган баллари миқдоридан қатъий назар, якуний баҳолаш топшириғини бажаради. Уни бажариш учун 3 соат вақт берилади.

Якуний баҳолаш(ЙБ)да талаба ташкилотчилик маданияти фани бўйича берилган саволларга оғзаки жавобини А3 бичимли катак қоғ'озга қисқача ифодалаган ҳолда бажаради.

Рейтинг балларини ҳисоблашда талабанинг ўқув машғулотлардаги фаоллиги, мустақил ишларни ўз муддатида бажара олганлиги, ўқув ички интизомига амал қилиш сифатлари ҳам ҳисобга олинади.

2. Семестрлар бўйича талабалар билимини назорат қилиш турлари

Семестрлар	Назорат тури	Соат ҳажми	Максимал балл(100%)	Ўтиш бали (55%)
6-7	Жорий Н1		15	8,4
	Жорий Н2		15	8,4
	Жорий Н3		15	8,4
	Оралик Н1		20	11,2
	Оралик Н2		20	11,2
	Жами		85	47,6
Жами (жорий ва оралик)			85	47,6
Жами (якуний)			15	8,4
Жами			100	56,0

3. Талаба билимини баҳолаш

қониқарсиз (55% дан кам)		қониқарли (56-70%)		Яхши (71-85%)		Аъло (86-100%)	
Б а л л а р							
Мин	Мах	Мин	Мах	Мин	Мах	Мин	Мах
0	55,0	56,0	70,0	71,0	85,0	86,0	100

НамДУ “Миллий истиқлол ғояси” кафедраси ўқитувчиси
К.Дадахўжаевнинг “Театр тарихи” фанидан бажарилган ўқув-услубий
мажмуасига

ТАҚРИЗ

Тақриз учун тақдим этилган “Театр тарихи” фанидан тайёрланган ўқув-услубий мажмуа қўйилган талаблар асосида расмийлаштирилган. Унда намунавий дастур, ишчи дастур, маърузалар матни, таянч иборалар рўйхати, семинар (амалий) машғулотлар мавзуси, тест саволлари, ёзма иш вариантлари, тақвим режа, талабалар билимини баҳолаш рейтинг низоми кабилар берилган.

Маърузалар матнини ёзишда муаллиф фанга доир бўлган мавжуд манбаалардан ва янги тадқиқотлардан фойдаланган. Мавзулар режа асосида ёзилган бўлиб, етарли равишда ёритилган ҳамда илмий адабиётлардан унумли фойдаланилган.

Талабаларнинг билимини баҳолаш учун тайёрланган тест саволлари, ёзма иш саволлари ҳамда назорат саволлари талаб даражасида.

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан қўйилган талабларга тўла жавоб беради.

Миллий истиқлол ғояси ва
маънавият асослари
кафедраси мудири:

ф.ф.н.О.Маматов

НамДУ “Миллий истиқлол ғояси” кафедраси ўқитувчиси
К.Дадахўжаевнинг “Театр тарихи” фанидан бажарилган ўқув-услубий
мажмуасига

ТАҚРИЗ

Ўқув-услубий мажмуа намунавий дасурга мос тарзда тузилган. Маърузалар матни қўйилган талабларга мос. Унда режа, таянч иборалар, назорат учун саволлар, ҳамда адабиётлар рўйхатидан иборат.

Маърузалар матни ишчи дастурда кўрсатилган мавзуга мос равишда тузилган. Матн қўйган муаммони режа асосида ҳар томонлама очиб берган. Таянч ибораларнинг мазмун моҳияти очиб берилган, асосий назарий саволлар мисоллар билан таҳлил қилинган. таянч сўз ва иборалар матнга мос, назорат учун саволлар муаммоли бўлиб, талабаларни изланишга ундайди. Мажмуа яқунланган деб ҳисоблайман ва ҳамма талабларга жавоб беради.

НамДУ фалсафа
кафедраси ўқитувчиси:

А.Отамирзаев